

Максим Горький

ЕГОР БУЛИЧОВ ВА БОШҚАЛАР

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Егор Буличов.
Ксения — унинг хотини.
Варвара — Ксениядан туғилган қиз.
Александра — ўғай қизи.
Мелания — роҳибалар бошлиғи, қайин эгачиси.
Звонцов — Варваранинг эри.
Тятин — унинг амакиваччаси.
Мокей Башкин.
Василий Достигаев.
Елизавета — унинг хотини.
Антонина } — биринчи хотинидан туғилган болалари.
Алексей }
Павлин — поп.
Доктор.
Карнайчи.
Зобунова — кинначи.
Пропотей — девона.
Глафира — оқсоч
Таисья — Меланиянинг чўриси.
Мокроусов — полиция одами.
Яков Лаптев — Буличовнинг тутинган ўғли.
Донат — ўрмончи.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бой савдогар уйида овқатхона. Оғир, бесўнақаё жиҳозлар, Чарм қопланган кенг диван, унинг ёнида иккинчи қаватга чиқиладиган зинапоя. Унг бурчакда ойнаванд балкон — боққа чиқиладиган йўл. Қуёшли қиш куни К с е н и я стол олдида ўтириб чойнак-пиёлалар ювмоқда. Г л а ф и р а балкондаги гуллар билан овора, А л е к с а н д р а киради, эгнида халат, сарпойчан оёғида туфли. Егор Буличовникига ўхшаш сариқ сочлари тўзиган.

К с е н и я. Уҳ, Шурка, бирам ухлайсанки...

Ш у р а. Кўп ғингшиманг, фойдаси йўқ. Глаша — кофе! Газета қани?

Г л а ф и р а. Варвара Егоровнага, тепага олиб чиқиб бердим.

Ш у р а. Олиб туш. Бутун бошлиқ уйга битта газетага ёзилишибди-я, лаънатилар!

К с е н и я. Кимни лаънати деяпсан!

Ш у р а. Отам уйдами?

К с е н и я. Ярадорлар олдига кетди. Лаънатилар деганинг — Звонцовларми?

Ш у р а. Ҳа, ўшалар. *(Телефонга.)* 17 — 63.

К с е н и я. Звонцовларни ҳали шунақа ҳурмат қилман дегин, қараб тур айтиб бермасамми ўзларига!

Ш у р а. Татъянани чиқариб қўйинг!

К с е н и я. Бориб-бориб нима бўларкансан-да?

Ш у р а. Сенмисан, Антонина? Чанғида борамизми? Йўқ? Нега? Спектаклга? Йўқ, деб қўя қол! Оббо, никоҳсиз тул-эй!.. Хўп, майли.

К с е н и я. У нимаси, қиз болани тул дейсан?

Ш у р а. Унашиб қўйган куёви ўлганми ахир, йўқми?

К с е н и я. Ҳар нима бўлганда ҳам қиз бола-да.

Ш у р а. Сиз қаердан билиб қўйибсиз?

К с е н и я. Вой, беҳаё!

Г л а ф и р а *(кофе келтириб беради)*. Газетани Варвара Егоровнанинг ўзи олиб тушиб беради.

К с е н и я. Муштдак бошингдан мунча маҳмадона бўлмасанг. Билиб қўй: камроқ билсанг, тинчроқ ухлайсан. Мен сендек вақтимда ҳеч нарсани билмас эдим...

Ш у р а. Сиз ҳали ҳам...

К с е н и я. Тфу сенга!

Ш у р а. Ана, эгачим жуда эшиб келяптилар. Бонжур, мадам! Комман са ва!

В а р в а р а. Соат ўн бир бўлиб қолди, сен бўлсанг ҳали ҳам ювиниб-таранмабсан...

Шура. Бошланди дейман.

Варвара. Отам эркалатади деб, ундан кейин... унинг касаллигидан фойдаланиб, борган сари ҳаддингдан ошиб кетяпсан...

Шура. Ҳали кўп чўзиласанми?

Ксения. Бунинг парвойига келармиди отасининг касали?

Варвара. Сенинг бу хулқ-атворинг тўғрисида отамга айтмасамми...

Шура. Олдиндан раҳмат дейман. Бўлдими энди?

Варвара. Сен — аҳмоқсан!

Шура. Ишонмайман! Аҳмоқ мен эмасман.

Варвара. Қип-қизил аҳмоқсан!

Шура. Варвара Егоровна, сиз мутлақо бекорга уриняпсиз.

Ксения. Бунга насиҳат кор қилармиди!

Шура. Сизнинг ҳам феълингиз бузиляпти.

Варвара. Бўпти... бўпти, яхши қиз! Ойи, юринг, ошхонага чиқиб келайлик, ошпаз жуда инжиқлик қилляпти...

Ксения. Ҳозир у жуда аламзада — ўғлини ўлдиришибди.

Варвара. Шунга шунча инжиқлик қиладим. Ҳозир чунонам одамларни ўлдиришяптики...

Чиқишади.

Шура. Агар ўзининг бежирим Андрюшасини ўлдирсалар борми, ўшанда кўрардингиз дод-войни!

Глафира. Уларнинг гашига гегиб бекор қиляпсиз. Ичинг тезроқ, бу ерни тозалашим керак. *(Самоварни кўтариб чиқиб кетади.)*

Шура ўзини стулнинг орқасига ташлаб, кўзларини юмган ҳолда, кўлларини сариқ паҳмоқ сочли бошининг орқасига қўйиб ўтиради.

Звонцов *(оёғида туфли; зинапоядан секин тушиб, унинг орқасидан келиб қучоқлайди)*. Нималарни ўйлаяпсан, сариф эчки?

Шура *(кўзини очмай, қимир этмай)*. Менга тегманг.

Звонцов. Нега? Ўзингга хуш ёқаётгандир? Шунақами? Хуш ёқадими?

Шура. Йўқ.

Звонцов. Нега?

Шура. Қўйинг. Алдайсиз. Мени яхши кўрмайсиз.

З в о н ц о в. Сени яхши кўрсам майлими, а?

Зинапояда В а р в а р а кўринади.

Ш у р а. Агар Варвара билиб қолгудек бўлса борми...

З в о н ц о в. Секинроқ... (*Нарироқ кетади-да насиҳатомуз гап бошлайди.*) Ҳа албатта... ўзингизни қўлга олишингиз керак. Ўқишингиз лозим...

В а р в а р а. Ўқишдан кўра Антонина билан совундек кўпириб, беадаб вақиллашни афзал кўради бу...

Ш у р а. Сизларга нима? Совундек кўпирсам, ўзининг ишим. Сенга нима — нимангни қизганасан?

В а р в а р а. Сени қизганаман. Билмадим қандоқ қилиб кун кўраркансан-да? Гимназияни бўлса бўшатиб қўй дейишди...

Ш у р а. Бекор гап.

В а р в а р а. Сенинг ўртоғинг — эси паст қиз.

З в о н ц о в. У музика ўрганмоқчи.

В а р в а р а. Ким?

З в о н ц о в. Шура.

Ш у р а. Бекор гап. Мен музика ўрганишни истамайман.

В а р в а р а. Сен қаёқдан олдинг бу гапни?

З в о н ц о в. Шура, ахир сен ўзинг айтмовдингми — музика ўрганмоқчиман деб.

Ш у р а (*кетаётди*). Сира айтганим йўқ.

З в о н ц о в. Ҳм... Қизиқ. Мен ичимдан чиқариб айтаётганим йўқ-ку! Сен, Варя, унга жуда дағал муомала қилдинг...

В а р в а р а. Сен эса ортиқча мулойимсан.

З в о н ц о в. Ортиқча деганинг нимаси? Сен менинг режамни биласан-ку...

В а р в а р а. Режанг — ўз йўли билан, аммо сенинг бу қадар мулойимлигинг кишини гумонсиратиб қўяди.

З в о н ц о в. Миянг айниб қопти...

В а р в а р а. Шунақами? Миям-а?

З в о н ц о в. Ўзинг ўйлаб кўр: шундай бир қалтис пайтда рашкка бало борми?

В а р в а р а. Сен ўзинг нега тушдинг бу ерга?

З в о н ц о в. Менми? Мана... газетада бир эълон бор экан. Ундан кейин ўрмончи келган эди, «Қишлоқда одамлар айиқ тутиб олишди» дейди...

В а р в а р а. Донат ошхонада ўтирибди. Эълон нима тўғрисида экан?

З в о н ц о в. Одамнинг бирам жонини чиқарасанки! Мен билан нега мунақа гаплашасан? Нима, мен гўдакманми? Азбаройи худо...

В а р в а р а. Кўп қизишма! Отам келди шекилли. Сен бўлсанг бу аҳволда.

З в о н ц о в шошиб юқорига чиқиб кетади. В а р в а р а отасини кутиб олади. Эгнига кўк иссиқ кофта, бошига кўк қалпоқ кийиб олган Ш у р а телефон томонга югуриб боради. Б у л и ч о в уни йўлда тутиб олиб, индамасдан бағрига босади. Б у л и ч о в кетидан сафсар ридо кийган поп П а в л и н киради.

Б у л и ч о в (*Шура*нинг белидан қучоқлаган ҳолда стол ёнига ўтиради; *Шура эса, унинг оқ тушган сариқ сочларини силайди*). Халқни шу қадар буздингларки, қарагани қўрқасан киши...

П а в л и н. Гулдай очиялпсизми, Шурочка? Кечирасиз, сўрашмапман ҳам...

Ш у р а. Аввал ман саломлашишим керак эди, тақсир, отам худди айиқдай ёпишиб олиб...

Б у л и ч о в. Шошма! Тек тур, Шурочка! Энди бу халқни қаерга қўйиш керак? Фойдаси йўқ одамлар урушдан илгари ҳам кўп эди бизда. Бекор аралашдик шу урушга...

П а в л и н (*хўрсиниб*), Олий ҳокимиятнинг мулоҳазаси...

Б у л и ч о в. Япон уруши вақтида ҳам беҳуда мулоҳазаларга бориб бутун дунё олдида шармандамиз чиқувди.

П а в л и н. Лекин уруш фақат вайрона ва харобалар келтирибгина қолмай, балки каттакон фойдалар ҳам келтиради. Чунончи, анча тажриба ортади ва шу миқдорда...

Б у л и ч о в. Бировлар урушади-ю, бировлар — ўғирлик қилади.

П а в л и н. Зотан дунёда ҳеч бир нарса олло таоланинг армидан хориж бўлмайди, бинобарин, бизнинг нолишларимизнинг не ҳожати бор?

Б у л и ч о в. Сен, Павлин Савельев, амри маърифатини қўй... Шурочка, сен чанги отгани бормоқчимидинг?

Ш у р а. Ҳа, Антонинани кутиб турибман.

Б у л и ч о в. Хўп... бўпти! Кетиб қолмасанг, бирор беш минутдан кейин ўзим чақирарман.

Ш у р а югуриб чиқиб кетади.

Павлин. Бўйига етган қизлардай, қадди-қомати тоза жойига келибди...

Буличов. Гавдаси келишган, ўзи ҳам чаққонгина-ю, юзи унча эмас. Онаси хунук эди. Балодек эси бор эди-ю, лекин хунук эди.

Павлин. Александра Егоровнанинг юзи... Ўзи бошқача... Жозибадан ҳам холи эмас. Онаси қаерлик эди?

Буличов. Сибирлик. Сен — олий ҳокимият... худо... фалон-фистон дейсан нуқул, хўш, Дума нима ўзи? У қаердан пайдо бўлди?

Павлин. Дума, чунончи масалан... ҳокимиятнинг қадрини кетказиш учун, унинг ўзи томонидан йўл қўйилган бир нарса. Кўплар уни тақдирнинг машъум хатоси ҳам деб ўйлайдилар, лекин муқаддас ибодатхона аҳлига бундай материаллар хусусида муҳокама юритиш ожиз эмас. Бундан ташқари, шу нозик замонда руҳонийлар тоифасининг зиммасига — одамларнинг руҳлантирмоқ... уларда тожу тахт ва ватанга муҳаббатни кучайтирмоқ вазифаси юклатилган...

Буличов. Руҳи зап тобига етдию, ботқоққа юз тубан кетди...

Павлин. Мен, ўз ибодатхонам мутавалласини қироатчилар хорини кўпайтиришга кўндирганим ва сиз муқаддас Егорий шарафига янги солинадиган ибодатхонанинг жоми учун иона тариқасида пул ҳаля қилишни сўраб генерал Бетлинг билан суҳбатлашганим, ўзларига аёнки...

Буличов. Ибодатхона жоми учун ҳеч нарса бермадимми?

Павлин. Унамади ва ҳатто хунук бир ҳазил ҳам қилди: полк музикасининг карнайларигаги мисни ҳам кўргани тоқатим йўқ дейди! Мана, сиз хаста ва нотоб бўлганингиз важҳидан ибодатхона жомига бирор нарса иона берсангиз яхши бўларди.

Буличов (*ўрнидан туриб*). Жом овози билан дардни тузатиб бўлмайди-да.

Павлин. Қаёқдан биласиз? Фан дарднинг сабабларидан беҳабар. Баъзибир ажнабий санаторияларда дардни музика билан даволар эканлар, эшитиб эдим. Бизда ҳам бир ўт ўчирувчи бор, у ҳам карнай билан иш кўради...

Буличов (*кулиб*). Қанақа карнай билан?

Павлин. Мис карнай. Жуда катта карнай дейдилар.

Буличов. Катта карнай бўлса... Тузатар эканми?

Павлин. Жуда яхши тузатади, дейди! Ҳар нарсанинг бўлиши мумкин, ҳурматли Егор Васильевич! Ҳар нарсанинг бўлиши мумкин. Сирру асрор ичида, ечилмаган беҳисоб сирлар зулмати ичида яшаймиз. Бизнинг кўзимизга ҳар бир нарса равшан бўлиб кўринади, бу ёруғлик эса, бизнинг ақлимиздан келиб чиқади, ҳолбуки, фақат бизнинг жисмоний кўзимизгагина ёруғ бўлиб кўринади, руҳимиз эса, эҳтимол худди шу ақл туфайлидан бадтар хиралашади, ҳатто ўчиб ҳам қолади.

Буличов (*оғир нафас олиб*). Оббо, мунча тутилмаган гапларни қаердан топасанов...

Павлин (*борган сари авж олиб*). Масалан, Прокопей азизларини олинг, авом томонидан девона деб аталган у зот қандай бир саодат ичра яшайдилар...

Буличов. Сен яна... амри-маърифатга тушиб кетдинг! Хайр энди. Чарчадим мен.

Павлин. Чин кўнгилдан саломатлигингни тилайман. Камина дуоғўйингни... (*Чиқиб кетади.*)

Буличов (*ўнг биқинини уқалай-уқалай диваннинг ёнига келади ва ўзича гудранади*). Тўнғиз. Ибодатхонанинг муқаддас майлари ва кулчаларини еб-ичиб тоза бўкибди... Глафира!.. Ҳой...

Варвара. Нима дейсиз?

Буличов. Ҳеч нима, Глафирани чақирдим, Уҳ-ху, тоза ясанибсан-ку. Қаерга бормоқчисан?

Варвара. Тузалаётган ярадорлар фойдасига қўйиладиган спектаклга.

Буличов. Бурнингга ойнак ҳам қўндириб олибсанми? Кўзим кўрмайди десанг бекор айтасан, посон учун таққансан бунн...

Варвара. Отажон, сиз Александрани мундай бир тергаб қўйсангиз бўларди, унинг қилиғи жонга тегяпти, ҳеч тоқат қилиб бўлмайди.

Буличов. Сенларнинг ҳамманг ҳам яхшисан! Бор! (*Гудранади.*) Тоқат қилиб бўлмайди эмиш. Шошма ҳали. Мен тузалиб олай, ҳаммангга... кўрсатаман тоқатни.

Глафира. Чақирдингизми?

Буличов. Ҳа, чақирдим. Эҳ, Глаха, мунча яхши-

сан! Бақувват! Пишиқ! Менинг Варварам бўлса — бир чўп!

Г л а ф и р а (*зинага қараб қўйиб*). Унинг бахти. Агар у ҳам чиройли бўлса борми, сиз уни ҳам тўшингизга тортардингиз. . .

Б у л и ч о в. Ўз қизимни-я? Билиб гапир, тентак! Нима деясан?

Г л а ф и р а. Нима деганимни биламан! Шурани, худди бегона қиздай. . . саллот сингари бағрингизга тортасиз.

Б у л и ч о в (*ҳайрон*). Сен, Глафира, жинни бўлиб қолибсан! Бу нима қилганинг: ўз қизимдан рашк қиласан. Сен Шура тўғрисида бундай хаёлларга бора кўрма. Саллот сингари эмиш. . . Худди бегона қиздай эмиш! Нима, сен ўзинг саллотлар қўлига тушганмисан-а? Хўш?

Г л а ф и р а. Бўлмаган гаплар. . . Мунақа гапларнинг вақти эмас. Нега чақирдингиз?

Б у л и ч о в. Донатни чақириб юбор. Шошма! Қўлингни берчи! Яхши кўрасанми ишқилиб? Қасал бўлсам ҳам-а?

Г л а ф и р а (*унга энгашиб*). Оҳ, шўрлик бошим. . . Ҳа, сен оғримагин! Оғримагин. . . (*Қўлидан чиқиб қочади*). . .

Б у л и ч о в ғамгин кулади, лабларини ялайди. Бошини чайқайди. Етади

Д о н а т. Омонмисиз, Егор Васильевич!

Б у л и ч о в. Шукур. Хўш, қани нима гаплар?

Д о н а т. Хушxabар олиб келдим: айиқ тутдик!

Б у л и ч о в (*оғир нафас олиб*). Э, бу. . . хурсандлик келтирадиган хабар эмас, рашк келтирадиган хабар. Энди айиқ билан менинг кўнглим очилмайди. Дарахт кесишяптими?

Д о н а т. Оз-моз. Одам йўқ.

К с е н и я киради. Ясанган, қўлларида узуклар.

Б у л и ч о в. Сен нима дейсан?

К с е н и я. Ҳеч. Сен, Егорий, айиққа қизиқмасанг ҳам бўларди, сенинг ов қиладиган ҳолинг борми.

Б у л и ч о в. Жим тур. Одам йўқ дедингми?

Д о н а т. Чоллар билан ёш болаларгина қолишган. Князга асирлардан эллик кишини юборибди, лекин улар ўрмонда ишлаша олмайди.

Буличов. Бўлмаса улар хотин-халаж билан ишлаётгандир.

Донат. Ҳа, буниси — рост.

Буличов. Ҳа, албатта. . . Хотин-халаж, шу тобда оч.

Ксения. Қишлоқда ёмон ҳам бузуқчилик бошланибди дейишади.

Донат. Нега бузуқчилик бўлармиш, Аксинья Яковлевна? Эркаклар ҳаммаси қирилиб кетди, бола туғиш ҳам керакми ахир? Шундай бўлгандан кейин ўша эркакларни қирганларнинг ўзлари келиб бола ясаши керак экан-да. . .

Буличов. Шунақага ўхшаб қолди. . .

Ксения. Ахир, асирдан қандай бола туғиларди! Ундай десам, бардам эркак бўлса, албатта. . .

Буличов. Хотин-халажнинг эси паст, шунинг учун ундай хотиндан фарзанд кўришни ҳам хоҳламайди.

Ксения. Йўқ, бизнинг хотинлар эслик. Бардам эркакларнинг ҳаммасини урушга ҳайдаб кетишди ахир, уйда фақат. . . закунчиларгина қолди.

Буличов. Кўп одамни хароб қилдилар. . .

Ксения. Майли, қолганлар тўқроқ яшашар.

Буличов. Топдинг!

Донат. Подшолар фуқарога ҳеч тўймайди.

Буличов. Нима дединг?

Донат. Подшолар фуқарога ҳеч тўймайди, дейман. Ўзимизникиларни боқолмаймиз-у, яна бировларнинг ерига кўз тикамиз.

Буличов. Рост. Рост айтасан!

Донат. Бундан бошқа нима ҳам деб бўлади; нима учун урушяпмиз бўлмаса? Очкўзлигимиздан калтак еямиз-да.

Буличов. Рост айтасан. Донат! Менинг тутинган ўғлим Яков ҳам шунақа дейди: ҳамма балонинг боши очкўзлик дейди. У ўзи қалай?

Донат. Ёмон эмас. Унингиз эслик.

Ксения. Хўп топибсан эси борни! Эслик эмас, бетга чопар.

Донат. Эси борлигидан бетга чопар-да, Аксинья Яковлевна! У ерда Егорий Васильевич, аскарликдан қолган ўнтача йнгитни тўплаб ишга солди, балодек ишлашяпти. Бўлмаса улар ўғирлик билан машғул эди.

Буличов. Йўқ, бу бўлмайди. . . Буни Мокроусов билиб қолса, тўполон бошланади.

Донат. Мокроусов биледи. У ҳатто хурсанд. Унга осон бўлди.

Буличов. Эҳтиёт бўл, лекин...

Юқоридан Звонцов тушади.

Донат. Шундай қилиб, айиқни...

Буличов. Айиқ — сенинг бахтинг.

Звонцов. Рухсат этсангиз, айиқни Бетлингга тут-сак! Ўзингиз биласиз, у бизга катта ёрдам...

Буличов. Биламан, биламан! Майли, тут. Хоҳласанг, архиерейга тут!

Ксения (кулиб). Архиерейнинг айиққа қараб ўқотишини бир томоша қилсак эди!

Буличов. Хўш, мен чарчадим. Хайр энди. Донат! Биродар, ишларнинг мазаси йўқ-ку-а? Мен бетоб бўлишим билан ишлар ҳам чатоқлашди...

Донат индамасдан таъзим қилиб чиқиб кетади.

Аксинья, менга Шурани айтиб юбор. Сеп нега ийманиб турибсан, Андрей? Гапириб қўя қол!

Звонцов. Мен Лаптев тўғрисида гапирмоқчи эдим...

Буличов. Хўш?

Звонцов. Мен эшитдимки у ишончсиз кишилар билан алоқа қилар эмиш ва Копосов ярмаркасида мужикларга ҳукуматга қарши гаплар гапирган эмиш.

Буличов. Қўйсангчи! Шу замонда ярмарка қопти-ми? Қанақа мужиклар экан? Нега ҳаммангиз Яковдан нолийсиз?

Звонцов. Ахир, у ҳар нима бўлса ҳам, оиламизнинг аъзоси...

Югуриб Шура киради.

Буличов. Ҳар нима бўлса ҳам... Сиз уни кўп ҳам... ўзингизники деб билмайсиз-ку-я... Мана, энди якшанба кунлари ҳам овқат қилгани келмай қўйди... Бор энди, Андрей... Кейин гапириб берарсан...

Шура. Яковни ёмонлаяптими?

Буличов. Бу сенинг ишинг эмас. Қани, ўтир. Сендан ҳаммаси дод деяпти.

Шура. Ким у — ҳаммаси?

Буличов. Аксинья, Варвара...

Шура. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Буличов. Мен жиддий гапиряпман, Шуренко.

Ш у р а. Сенинг жиддий гапинг — бунақа бұлмас эди-ку?

Б у л и ч о в. Ҳамма билан қўпол гаплашасан, ҳеч нима қилмайсан. . .

Ш у р а. Агар ҳеч нима қилмасам, қандай қўпол бўларканман?

Б у л и ч о в. Ҳеч кимнинг гапи қулоғингга кирмайди.

Ш у р а. Ҳамманинг гапига қулоқ соламан. Ҳамманинг гапига қулоқ солиш ҳам жонга тегди, сариқ!

Б у л и ч о в. Ўзинг сариқсан, мендан ҳам бадтар. Мана, мен билан ҳам тўғри гаплашмайсан. Сени сўкиш керак эди-ю, кўнгил бўлмайди-да.

Ш у р а. Кўнглинг бўлмаса, демак сўкиш ҳам керак эмас.

Б у л и ч о в. Сени қара-я! Кўнгил бўлмаса, сўкма эмиш. Унда яшаш жуда осон бўлар эди-ку-я, лекин мумкин эмас-да!

Ш у р а. Ким бунга халақит беряпти?

Б у л и ч о в. Ҳамма. . . ҳамма халақит беряпти. Сен буни тушунмайсан.

Ш у р а. Тушунмасам, ўзинг ўргат менга, тушуниб олай, бошқалар менга халақит беришмасин. . .

Б у л и ч о в. Э, буни ўргатиб бўлмайди! Нима қилиб юрибсан, Аксинья? Нега ивирсиб юрибсан? Нимага кетяпсан?

К с е н и я. Доктор келди, ундан кейин Башкин кутиб ўтирибди. Александра, кўйлагингни тузат, бу қанақа ўтириш?

Б у л и ч о в (*ўрнидан туриб*). Қани, чақир докторни. Ётиш менга зарар қилади ётаберсам огирлашаман. Эҳ. . . чоп энди, Шуренок! Оёғингни лат егизиб қўйма, эҳтиёт бўл!

Д о к т о р. Салом! Хўш, аҳволлари қалай?

Б у л и ч о в. Маза йўғроқ. Унча яхши қарамайсан дейман, Нифонт Григорьевич.

Д о к т о р. Қани, бўлмаса, уйга ўтайликчи. . .

Б у л и ч о в (*унинг ёнида кетаркан*). Сен менга энг ўткир, энг қиймат дориларни бер: мен, оғайни, бир иш қилиб тузалмасам бўлмайди! Тузатиб юборсанг, касалхона солиб бераман, каттаси ўзинг бўласан, ундан кейин билганингни қилиб ётаверасан. . .

Кетишади. К с е н и я, Б а ш к и н.

К с е н и я. Доктор нима дейди?

Б а ш к и н. Рак касали дейди, буйракда рак бор дейди. . .

К с е н и я. Вой, худойим-э! Нима балоларни ўйлаб чиқаради булар!

Б а ш к и н. Бу дард — оғир дард, дейди.

К с е н и я. Ҳа, албатта! Ҳар ким ўз ишини ҳаммадан қийин деб ҳисоблайди.

Б а ш к и н. Бевақт оғриди! Ҳамма ёқдан, тешик чўнтакдан тўкилгандай, пул тўкилади, гадоилар ҳам мингга эга бўляпти, бу бўлса. . .

К с е н и я. Ҳа, ҳа! Одамлар шу қадар бой бўлишяптики, нимасини айтасан!

Б а ш к и н. Достигаев шундай семирибдики, тугмасини солмай юрадиган бўпти, гапирса фақат мингдан гапиради. Егор Васильевичдан бўлса ақл қочганга ўхшайди. Тунов кун: «Мен, асл ишнинг кўчасига ҳам кирганим йўқ»,— дейди. Бу нима дегани?

К с е н и я. Вой, мен ҳам сезяпман: аллақандай хунук гапларни гапиради!

Б а ш к и н. Ахир, у, сен ва опангнинг пули билан одам қаторига қўшилди-ку. Кўпайтириши керак эди-да. . .

К с е н и я. Адашганман, Мокей, адашганимни аллақачонлар биламан. Приказчикка эрга тегдиму, билиб тегмадим. Сенга текканимда ҳам тинчгина кун кўрган бўлар эдик! У бўлса. . . э, худойим! Бирам айниганки! Унинг қўлида не кунларни кўрмадим. Уйнашдан қиз ортдириб яна уни менинг елкамга миндириб қўйди. Ярамас, паст одамни куёв қилди. . . Қўрқаман мен, Мокей Петрович, бу куёв билан Варвара мени давлатдан қуруқ қўйиб, бор-йўғимни шилиб гадойлик куйига солишмасайди.

Б а ш к и н. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Уруш! Урушда на шарм-ҳаё бор, на раҳм-шафқат!

К с е н и я. Сен бизнинг эски хизматчимизсан, сени одам қилган ҳам менинг отам, сен мен тўғримда ўйлаб кўр.

Б а ш к и н. Ҳалиям ўйлаяпман. . .

З в о н ц о в киради.

З в о н ц о в. Хўш, доктор кетдими?

К с е н и я. Йўқ, ҳали шу ерда.

З в о н ц о в. Мокей Петрович, мовут нима бўлди?

Б а ш к и н. Бетлинг олгани унамаяпти.

Звонцов. Унга қанча бериш керак ўзи?

Башкин. Энг ками, бирор беш минг...

Ксения. Оббо, ўғри-эй! Тагин ўзи чол-а!

Звонцов. Жанна орқалими?

Башкин. Ҳа, ўша белгиланган тартиб билан.

Ксения. Беш минг! Нимага? А?

Звонцов. Пулнинг қадри йўқ ҳозир.

Ксения. Бировнинг чўнтагида бўлса қадри йўқ...

Звонцов. Қайнатам розими?

Башкин. Мен, мана, розими, йўқми, билгани келдим-да...

Доктор (*чиқади, Звонцовни қўлтиқлаб*). Хўш, гап шуки...

Ксения. Уҳ, бизни бир севинтирсангизчи...

Доктор. Касалнинг мумкин қадар кўп ётиши керак. Ҳар қандай иш, бесаранжомлик, диққатчилик — унга жуда ёмон зарар қилади. Ишқилиб, осойишталик, тинчлик керак! Ундан кейин... (*Звонцовнинг қулоғига шивирлайди.*)

Ксения. Нега менга айтмайсиз? Мен — хотиниман-ку?

Доктор. Баъзи бир хусусларда хонимлар билан гаплашиш ярамайди. (*Яна шивирлаб гапиради.*) Бугун кеч-қуруноқ қиламиз.

Ксения. Нима қилмоқчисиз?

Доктор. Консилиум. яъни докторлар кенгаши.

Ксения. Вой шўрим...

Доктор. Бунинг ҳеч қўрқинч жойи йўқ... Хўп, хайр бўлмаса! (*Чиқиб кетади.*)

Ксения. Мунча қўрс бу одам... Овози ўчсин! Беш минутга беш сўлкавой олади. Бир соатга 60 сўм... буни қаранг!

Звонцов. У, операция қилиш керак дейди...

Ксения. Ёришми? Йўқ, бу бўлмайди! Йўқ, ёришга мен йўл қўймайман...

Звонцов. Менга қаранг, ахир бу — нодонлик бўлади! Хирургия, фан...

Ксения. Фанинг бошингда қолсин! Тузукми! Сен ҳам менга дағал гапирадиган бўлиб қолдингми?

Звонцов. Мен одоб қойдаларини ўргатаётганим йўқ, сизнинг нодонлигингизни айтяпман...

Ксения. Сен ўзинг ҳам жуда мулла бўлиб кетганинг йўқ!

З в о н ц о в кўл силтаб йироқлашади. Г л а ф и р а югуриб ўтади.

К с е н и я. Қаерга?

Г л а ф и р а. Уйдан чақиряпти...

К с е н и я у билан бирга эри ёнига кириб кетади.

З в о н ц о в. Қайнатам бевақт оғриди.

Б а ш к и н. Рост. Яхши бўлмади. Шундай замон келдики, эсли одамлар, худди найрангбоздек, ҳаводан ҳам пул топишмоқда.

З в о н ц о в. Ҳа, албатта. Ундан кейин, революция бўлиши ҳам аниқ.

Б а ш к и н. Бу менга маъқул эмас. Бешинчи йилда ҳам бир бўлувди. Ҳеч нарса чиқмайди.

З в о н ц о в. Бешинчи йилда революция эмас, бир тўполон бўлган эди. У вақт деҳқонлар билан ишчилар ўз уйларида эди. Энди улар фронтларда, Эндиги революция чиновниклар, губернаторлар, министрларга қарши бўлади.

Б а ш к и н. Ундай бўлса, худо ярлақасин! Чиновниклар худди канадай ёпишиб олишса борми, узиб олиб бўлмайди...

З в о н ц о в. Подшонинг ишга нобоблиги равшан бўлиб қолди.

Б а ш к и н. Савдогарлар орасида ҳам шу гап. Аллақандай бир мужик, подшонинг хотинини кўлга олган эмиш дейдими?

В а р в а р а зинада туриб қулоқ солади.

З в о н ц о в. Ҳа, Григорий Распутин.

Б а ш к и н. Жодугарликка ишонгим келмайди.

З в о н ц о в. Ўйнаш бўлсачи? Бунга ишонасизми?

Б а ш к и н. Чўпчакка ўхшайди. Подшонинг хотинига генераллар қаҳатми?

В а р в а р а. Йўқ ердаги аҳмоқона гапларни гапирасизлар.

Б а ш к и н. Ҳамма шуни гапиради, Варвара Егоровна. Ҳар қалай, менинг фикримча, подшо бўлмаса бўлмайди!

З в о н ц о в. Подшо Петроградда эмас, каллада бўлиши керак. Спектакль тамом бўлдими?

В а р в а р а. Қолдирилди. Аллақандай бир ревизор келибди — кечқурун бир поезд ярадорлар келармиш, беш юз чамаси. Уларга жой йўқ эмиш.

Г л а ф и р а. Мокей Петрович, сизни чақиряпти.

Б а ш к и н стол устида иссиқ картузини қолдириб чиқиб кетади.

В а р в а р а. Нега сен бу билан жуда очикчасига гап-лашяпсан? Биласанки, бу биздан гап олиб ойимга етка-зади! Шу картузини ўн йилдан бери кияди, бу хасис! Яғири чиқиб кетибди. Ҳайронман, нега сен бу муттаҳам билан...

З в о н ц о в. Аҳ, қўйсангчи! Мен ундан Бетлингга по-ра бериш учун қарз сўрамоқчиман.

В а р в а р а. Ахир сенга айтмовдимми, бу ишларнинг ҳаммасини Жанна орқали Лиза Достигаева эплейди деб! Унда арзон ҳам тушади...

З в о н ц о в. Лизавета сени ёмон туширади.

К с е н и я (*эрининг хонасидан туриб*). Бир иш қилиб уни кўндириб, ётсин у! Ҳадеб у ёқлан-бу ёққа юриб, зўр бериб Мокейни сўкяпти... Э, худойим!..

З в о н ц о в. Бор, сен Варя...

Б у л и ч о в (*узун халат кийган, оёғида кигиз туфли*). Хўш, қани, яна нима дейсан? Бадбахт урушми?

Б а ш к и н (*унинг кетидан юриб*). Ким ҳам бир нарса дейди?

Б у л и ч о в. Ким учун бадбахтлик?

Б а ш к и н. Биз учун.

Б у л и ч о в. Биз деганинг ким? Сен ўзинг айтяпсанку: уруш орқасида одамлар миллион-миллион пул топишяпти деб? Хўш?

Б а ш к и н. Демак... халқ учун бадбахтлик...

Б у л и ч о в. Халқ деганинг — мужик, унга барибир: ҳо яшасин, ҳо ўлсин. Мана сен айтган ҳақиқат!

К с е н и я. Бас, кўп жаҳлинг чиқмасин! Сенга зарар...

Б а ш к и н. Нега ундай дейсиз? Шу ҳам ҳақиқат бўл-дими?

Б у л и ч о в. Мана шу чинакам ҳақиқат! Ҳақиқатнинг ўзгинаси! Мен ростини айтавераман: менинг ишим — пул топиш, мужикларнинг иши — ғалла етказиб бериш, мол сотиб олиш. Бундан бошқа ҳақиқат борми?

Б а ш к и н. Бу-ку, албатта, шундай-а, лекин шунда ҳам...

Б у л и ч о в. Хўш, шунда ҳам нима, гапир? Менинг молимни ўғирлаётганингда нималарни ўйлайсан ўзинг?

Б а ш к и н. Нега мени бу қадар хафа қиласиз?

К с е н и я. Ҳой, Варя, нега қараб турибсан? Айтсанг-чи, отанга! У тинч ётмаса бўлмайди.

Б у л и ч о в. Сен ҳали халқни ўйлайсанми?

Б а ш к и н. Яна кўпчилик олдида хўрлайсиз-а? Ўғир-лайман эмиш? Буни исбот қилиш керак ҳали!

Б у л и ч о в. Исбот қилишнинг ҳожати йўқ. Ҳаммага маълум: ўғирлик қонуний гап Сен хафа бўлмай қўя қол. Хафа қилган билан сен тузалмайсан, балки бадтар бўласан. Ўғирлик қилган битта сен эмас — пул ўзи ўғирлик қилади Ушанинг ўзи каттакон ўғри. . .

Б а ш к и н. Бунақа гапларни фақат Яков Лаптев гапирарли.

Б у л и ч о в. Ҳали ҳам ўша гапиряпти! Бўпти, бор энди! Бетлингга пора берманглар. Ҳали ҳам жуда кўп бердиларинг, кафанига ҳам, товутига ҳам етади имонсиз чолнинг. Сизлар нега йиғилдингиз бу ерга? Нимани кутяпсизлар?

В а р в а р а. Ҳеч нимани. . .

Б у л и ч о в. Ҳеч ниманими? Ундай бўлса ўз ишларингга боринглар. Ишларинг борми ўзи? Аксинья, айтгин, менинг уйимни жиндак шамоллатишсин. Жуда ҳавоси бузилди, аччиқ дориларнинг ҳиди босиб кетди. Ҳа. . . Ундан кейин Глафирага айтгин, клюква квасидан олиб келсин.

К с е н и я. Сенга квас ёкмайди ку.

Б у л и ч о в. Бор, бор! Нима ёқади, нима ёқмайди, ўзим биламан.

К с е н и я (чиқаркан). Билсанг эди. . .

Ҳамма чиқади.

Б у л и ч о в (қўли билан столга таянгани ҳолда унинг теграсини айланади Ойнага қараб туриб говушининг борича бақириб сўзлайди). Ишинг ёмон сенинг, Егор. Афтинг ҳам ўзи, биродар. . . сира ўзингникига ўхшамайди!

Г л а ф и р а (патнусда бир стакан сут олиб чиқади). Мана сизга сут.

Б у л и ч о в. Мушукка бер буни. Менга квас келтир. Клюква квасидан.

Г л а ф и р а. Сизга квас беришга рухсат этишмади.

Б у л и ч о в. Улар рухсат этишмаса ҳам сен олиб келавер. Шошма! Сен нима деб ўйлайсан: мен ўламанми?

Г л а ф и р а. Бекор гап. Ўлмайсиз.

Б у л и ч о в. Нега?

Г л а ф и р а. Ишонмайман.

Б у л и ч о в. Ишонмайсанми? Йўқ, азизим, менинг ишим ёмон! Ўзим биламан: жуда ёмон.

Буличов. Қайсар. Қани, квасдан бер! Ароқ томизиб
ичаман... У фойдалик нарса. (*Буфет томон боради.*)
Беркитиб қўйибди лаънатилар. Чўчқа болалари! Авайла-
ганларинда, бу. Худди бандига ўхшайман. Маҳбус... ҳи-
соби...

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Буличовларнинг меҳмонхонаси Бурчақда — кичкинагина
юмалоқ стол атрофида Звонцов билан Тятин ўтиришибди. Стол
устида бир шиша вино.

Звонцов (*папирос тортиб*). Уқдингми?

Тятин. Инсоф билан айтганда, Андрей, бу менга ёқ-
майди...

Звонцов. Пули-чи? Пули ёқадими?

Тятин. Афсуски, пули ёқади.

Звонцов. Кимни аяйсан бўлмаса?

Тятин. Ўзимни, албатта...

Звонцов. Хўп одамни аяр экансан-да!

Тятин. Ҳар ҳолда, биродар, ўзимнинг бирдан бир
дўстим ҳам ўзим.

Звонцов. Файласуфлик қилгунча, ўйлагин.

Тятин. Ўйлаётиман. У эрка ўсган қиз, у билан умр
қилиш қийин бўлади.

Звонцов. У чоқ ажраласан кетасан.

Тятин. Пул яна ўзида қолади-ку...

Звонцов. Биз шундай қиламизки, пул сенда қола-
ди. Шуркани йўлга солишни ўз устимга оламан.

Тятин. Инсоф билан айтганда...

Звонцов. Шундай қилиб, уни эрга беришга ошиқа-
дилар-у, қалинини кўпайтирадилар.

Тятин. Сен буни... тоза топибсан лекин! Қалини
кўпми?

Звонцов. Эллик.

Тятин. Мингми?

Звонцов. Тугма.

Тятин. Ростми?

Звонцов. Аммо менга ўнтагина вексель берасан.

Тятин. Мингликми?

Звонцов. Йўқ, сўмлик! Эси паст!

Тятин. Кў-ўп бу...

Звонцов. Ундай бўлса, суҳбатни тўхтатамиз.

Тятин. Бу гапларинг... ҳазил эмасми?

Звонцов. Пул тўғрисида фақат аҳмоқ одамларгина ҳазиллашади...

Тятин (*кулмсираб*). Аммо лекин... Ажойиб маслаҳат топибсан.

Достигаев киради.

Звонцов. Мен шунга хурсандманки, сен ўзинг ҳам унча-мунча тушуниб қолдинг. Сен пролетардан чиққан интеллигентга бу оғир кунларда...

Тятин. Ҳа, ҳа, албатта! Мен энди судга жўнайин.

Достигаев. Степаша, нега таъбинг хира?

Звонцов. Биз Распутиндан гапиришиб ўтирган эдик.

Достигаев. Толеини айтаман-а? Сибирдан келган оддий бир мужик катта руҳонийлар, министрлар билан дамка ўйнаса-я? Юз минглаб пулларни ўйнатса! Ун мингдан ҳам кам порани олмаса! Жуда ишончли жойдан эшитдим: ўн мингдан кам бўлса олмас экан! Нима ичяпсизлар? Бургон виносими. Бу жуда ўткир вино, бунини овқат маҳалида ичиш керак эди, э маданиятсиз халқ!

Звонцов. Хўш, қайнатангизни топдингизми?

Достигаев. Уни топиш не ҳожат? У, ҳеч ерга қочгани йўқ Сен, Степаша, менга ҳам битта стакан келтирсанг бўлар эди.

Тятин шошмасдан чиқиб кетади.

Гапнинг ростини айтиш керак, унинг дарди кучли. Аҳволи оғир шу тобда...

Звонцов. Менинг фикримча ҳам, у энди...

Достигаев. Ҳа, ҳа! Шунақа. Ундан кейин ўзи ҳам ўлимдан жуда қўрқади, шунинг учун ҳам ўлмай қолмайди. Сен ҳам бу жиҳатини эътиборга ол! Бу замонда оғизни очиб ўтириш бўлмайди. икки қўлни чўнтакка солиб юриш ҳам ярамайди. Ҳар гомондан чўчқалар давлат четанининг тегини кавлаб, уни ағдариш ҳаракатида, революция бўлишини ҳатто губернаторнинг ўзи ҳам билади...

Тятин. Егор Васильевич столовойга чиқди.

Достигаев (*стаканни олиб*). Раҳмат, Степаша. Чиқди дедингми? Бўлмаса, биз ҳам ўша ерга ўтайлик.

Звонцов. Саноатчи бойлар, афтидан, ўз ролларини яхши тушунади дейман...

Варвара билан Елизавета кириб келади.

Достигаев. Москва саноатчиларими? Улар тушунмай, ким тушунсин!

Елизавета. Булар бу ерда бемалол ичишиб, кайф қилиб ўтиришибди, у ерда бўлса, Буличов шундай бақир-яптики, ҳеч чидаб бўлмайди!

Достигаев. Нега Америка ҳадеб гуллайди? Чунки, у ерда ҳукумат тепасида хўжайинларнинг ўзлари ўтиради...

Варвара. Жанна Бетлингова Америкада ошпаз хотинларнинг бозорга автомобилда боришларига астойдил ишонади.

Достигаев. Бўлиши мумкин. Лекин... эҳтимол, ёлгон бўлса! Варюша, ҳали ҳам ҳарбийлар билан алоқанг борми? Подполковник бўлгинг келади дейман-а?

Варвара. Эскириб кетган гаплар! Хўш, Тятин, сиз нималарни ўйлаяпсиз?

Тятин. Шундай... ўзимча... бекор...

Елизавета (*ойна олдида*) Кеча Жанна менга бир ажойиб латифа айтиб берди! Ҳали сира оҳари тўкилмаган!

Достигаев. Қани, қани, эшитайликчи?

Елизавета. Эркаклар олдида айтиб бўлмайди.

Достигаев. Оҳари тўкилмаган деганингча бор эканда, бўлмаса!

Варвара Елизаветанинг қулоғига пичирлайди.

Елизавета. Ҳой эр! Шишанинг юқи қолгунча ўтирасанми бу ерда?

Достигаев. Мен кимга халақит беряпман?

Елизавета (*Тятинга*) Сиз, Степочка, муқаддас китобнинг мана бу оятини биласизми: «Оллоҳнинг раҳматида бўлур ул эрким, фосиқлар суҳбатига юрмаса ва гуноҳ кўчаларига кирмаса».

Тятин. Ҳа, шундай бир нарса хотирамда бор...

Елизавета (*уни қўлтиқлаб*). Мана буларнинг ҳаммаси ўша гуноҳкор фосиқлар-у, сиз эса ой, севги ва бошқа шу сингари нарсалар учун яратилган мўмингина бир йигитсиз, шунақами? (*Олиб чиқиб кетади.*)

Достигаев. Оббо, маҳмадона!

Варвара. Василий Ефимович, онам билан Башкин Мелания холамни чақирдилар.

Достигаев. Рўпоч холангними? У чакана йиртқишлардан эмас! У Достигаев ва Звонцовлар ширкатига қарши бўлади, у хоҳламайди! У, Ксения Буличова ва Достигаев ширкати бўлсин, дейди...

Звонцов. У, дастмоя қилиб берган пулларини ҳам қайтариб олиши мумкин.

Достигаев. Меланиянинг пули қанча ўзи? Етмиш мингми?

Звонцов. Тўқсон.

Достигаев. Ҳар ҳолда, бу оз маблағ эмас! Ўз пулими ё монастирникими?

Звонцов. Буни билиб бўладими?

Достигаев. Билиш мумкин. Ҳамма нарсани билиш мумкин! Мана, немисларни ол: улар уруш майдонидаги аскарларимизнинг сонинигина эмас, ҳар бир солдатнинг нечадан бити борлигини ҳам билишади.

Варвара. Сиз бирор жиддийроқ нарса гапирсангиз бўларди...

Достигаев. Жоним! Варюша, чўнтагингдаги пулнинг ҳисобини билмай туриб, на олди-сотди қилиб бўлади ва на уришиб. Меланиянинг пулини мана бу йўл билан билиш мумкин. Секлетей Полубояринова деган бир хоним бор. У, Никандр ҳазратнинг тунги бедорликларига шерик, ҳазрат бўлсалар пул деган нарсани, кимники бўлса ҳам, санашни яхши кўрадилар. Ундан ташқари, епархияль советида ҳам бир одам бор, лекин уни биз запасда сақлаймиз. Сен, Варюша, ўша Полубояринова билан гаплашиб кўр, агарда пул монастирники бўлса борми, ундан нарисини ўзларинг биласизлар! Менинг гўзалим қаерга йўқолди?

Глафира. Столовойга чиқар экансизлар.

Достигаев. Ҳозир, хўш, қани, кетдикми?

Варвара (*гўё этаги курсига улашиб қолгандай*). Андрей, чиқаришиб юборсангчи! Сен унга ишонасанми?

Звонцов. Аҳмоқ борми?

Варвара. Роса муттаҳам экан-а! Холам тўғрисида топган маслаҳатим чакки эмас. Тятинни нима қиламан?

Звонцов. Уни ўзим йўлга соламан.

Варвара. Тезроқ бўлиш керак...

Звонцов. Нега?

Варвара. Кўмгандан кейин, ахир, кўп кутушга тўғри келади. Отамнинг юраги ҳам заиф... Ундан кейин, мен биладиган бошқа сабаблар ҳам бор...

Чиқишади. Қаршиларидан Глафира кириб келади. Орқаларидан нафрат билан қараб қолади, сўнгра столдан идишларни йиғиштиради. Лаптев киради.

Глафира. Кеча сени қамалди деган гап эшитган эдим.

Лаптев. Йўғ-э? Эҳтимол, нотўғри гапдир.

Глафира. Ҳали ҳам ҳазилни қўймайсан.

Лаптев. Егани ҳеч нарса йўқ, кўнгил ўлгур — тоза шўх!

Глафира. Ҳазил-ҳазил билан бошинг кетмасайди.

Лаптев. Яхши ҳазил бўлса, урмайдилар, балки мақтайдилар, яхши ҳазил гўшт келтирар, ёмон ҳазил мушт келтирар. . .

Глафира. Ҳа, сайра, жўрам сайра! У ерда, Шуранинг ёнида Тонька Достигаев ўтирибди.

Лаптев. Э, қўй, унинг кераги йўқ!

Глафира. Шуранинг ўзини шу ерга чақираман шеклли?

Лаптев. Топдинг! Буличов қалай?

Глафира (*аччиғланиб*). Нега уни Буличов дейсан? Сенинг отахонинг-ку!

Лаптев. Қўй, Глаша хола, аччиғланма!

Глафира. Унинг аҳволи оғир.

Лаптев. Оғир? Шошма, шошма! Менинг энг яқин ўртоқларим оч ўтиришибди, Глаша хола, икки пудгина, иложи бўлса бирор қоп ун топиб беролмайсанми?

Глафира. Нима қилай: сен учун хўжайинларниқидан ўғирлик қилайми?

Лаптев. Ахир, бир бўлаётган иш эмас-ку! Барибир, илгари ҳам қилгансан бу гуноҳни, гуноҳи менинг бўйнимга! Бечора болаларнинг қорни ўлгудай оч! Бу даргоҳда қилган хизматларинг учун сенга хўжайинларга қараганда кўпроқ ҳақ тегиши керак.

Глафира. Мунақа чўпчакларингни, кўп эшитганман! Эртага эрта билан Донатга ун жўнатишади, бир қоп ўшандан ола қоласан. (*Чиқади.*)

Лаптев. Ҳа, ана, раҳмат! (*Диванга ўтириб жуда қаттиқ, кўзидан ёш чиққунча эснайди, сўнгра кўзини артиб, у ёқ-бу ёққа қарайди.*)

Ксени я (*ғудраб киради*). Ажина исириқдан қочгандай қочишади.

Лаптев. Омонмисиз. . .

К с е н и я. Вой ўлай! Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Л а п т е в. Ўтирмасдан юрсам бўлармиди?

К с е н и я. Гоҳ қидириб изингни ҳам топиб бўлмайди, гоҳ бирданига пайдо бўлиб қоласан. Худди бекинмачоқ-ўйнагандай. Отахонинг оғриб ётибди, сен бўлсанг парво ҳам қилмайсан...

Л а п т е в. Мен ҳам касал бўлайми йўқса?

К с е н и я. Сизлар ҳаммангиз жинни бўлибсиз, бошқаларни ҳам жинни қиласиз. Ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди! Мана энди подшони ҳам, Емелька Пугачев сингари, қафасга солмоқчи эмишлар. Хўш, билимдон, ёлгонми бу гаплар?

Л а п т е в. Мумкин, ҳар нарсанинг бўлиши мумкин!

Г л а ф и р а. Аксинья Яковлевна, бир пастга.

К с е н и я. Хўш, яна нима бўлди? Бир нафас тиним йўқ... э худо... (Чиқади.)

Ш у р а (югуриб киради). Эсонмисан?

Л а п т е в. Шурочка, Москвага кетяпман, пулим йўқ, бир иложини қил!

Ш у р а. Менинг ўттиз сўм пулим бор, холос...

Л а п т е в. Эллик сўм бўлсайди-я?

Ш у р а. Топаман.

Л а п т е в. Кечқурун поезд вақтигача? Бўладими?

Ш у р а. Ҳай, менга қара: революция бўладими?

Л а п т е в. Ҳа, бошланди-ку! Нима бало, газета ўқи-майсанми?

Ш у р а. Газетага тушунмайман мен.

Л а п т е в. Тушунмасанг Тятиндан сўра.

Ш у р а. Яков, тўғриси айт, Тятин қанақа одам ўзи?

Л а п т е в. Ана холос! Сен, ахир, ярим йилдан бери у билан ҳар куни кўришиб турасан-ку.

Ш у р а. Тўғри одамми?

Л а п т е в. Ҳа... дуруст, тўғри.

Ш у р а. Нега суст гапирасан?

Л а п т е в. Бўшангроқ. Негадир тумтайганроқ. Берон-тадан хафароқми дейман.

Ш у р а. Кимдан?

Л а п т е в. Университетнинг иккинчи курсидан ҳайдашибди. Ўз акасига мирзалик қилади, акаси бўлса...

Ш у р а. Нима, Звонцов ярамас одамми?

Л а п т е в. Либерал, кадет, умуман улар ярамасроқ

одамлар. Пулни сен Глафирага бериб қўй, у менга ет-казади.

Ш у р а. Глафира билан Тятин сенга ёрдам қилишадими?

Л а п т е в. Нима хусусда?

Ш у р а. Гўлликни қўй, Яшка! Ўзинг биласан. Мен ҳам ёрдам қилмоқчиман, уқдингми?

Л а п т е в (*хайрон бўлиб*). Нима бўлди сенга ўзи, қизгина! Уйқудан фақат бугун уйғондингми?

Ш у р а (*аччиғланиб*). Мени мазақ қилма! Аҳмоқсан сен!

Л а п т е в. Эҳтимол аҳмоқдирман, лекин ҳар ҳолда шуни англамоқ истар эдимки...

Ш у р а. Варвара келяпти!

Л а п т е в. Мен уни кўргим йўқ.

Ш у р а. Кетдик бўлмаса... Тез.

Л а п т е в (*унинг елкасидан қучоқлаб*). Чинакам сенга нима бўлди?

Чиқиб кетиб, эшикни беркитишади.

В а р в а р а (*эшик қулфининг шарақлаганини эшитди, эшикка яқин келиб, тутқичини айлантрииб кўради*). Глафира сенмисан? (*Пауза.*) Биров борми у ёқда? Қизиқ... (*Тезгина кетади.*)

Ш у р а Д о н а тни етаклаб кирди.

Д о н а т. Ҳой Шурок, қаёққа судрайсан мени...

Ш у р а. Тўхта! Айтиб бер менга: отамни шаҳарда иззат қиладиларми?

Д о н а т. Бой одамни ҳар ерда иззат қилишади. Шўх-лигинг қолмайди сира...

Ш у р а. Иззат қилишадими ё қўрқишадими?

Д о н а т. Қўрқишмаса иззат қилишардими?

Ш у р а. Нима учун яхши кўришади?

Д о н а т. Нима учун? Унисини билмайман.

Ш у р а. Яхши кўрганларини биласанми ўзинг?

Д о н а т. Унимиз? Қайдам? Извошчилар уни яхши кўрадиганга ўхшайди, нега десанг, у извошга байлашмасдан тушар экан-да, айтганини берар экан. Извошчи халқи шунақа. бир-бирига айтади-ю, шу билан...

Ш у р а (*ер депсиб*). Масхара қилиясанми?

Д о н а т. Нега? Мен ҳақ гапни айтяпман.

Шура. Фсъллинг айнибди. Сен бутунлай бошқача бўлиб қолибсан!

Донат. Э, бизга бошқа одам бўлиш қаёқда? Вақтим ўтган менинг.

Шура. Отамни мақтаган ўзинг эдинг.

Донат. Уни ёмонлаганим ҳам йўқ. Ҳар ким ўз қадрича...

Шура. Ҳаммангиз ёлгончисиз!

Донат (*бошини қуйи эгиб, қаттиқ нафас олиб*). Аччиғинг қелмасин, аччиғ билан ҳеч нарса уқдиролмайсан.

Шура. Бор, йўқол! Менга қара, Глафира.. Биров келаётганга ўхшайди... (*Эшик пардасининг орқасига беркинади.*)

Алексей Достигаев кирди; олифта, галифе шим, швед курткаси кийган, ҳамма ёғи қайиш билан кармон.

Алексей. Борган сари очилиб кетяпсиз, Глаша!

Глафира (*қовоғини солиб*). Бирам ёқадиган гаплар-эй.

Алексей. Аммо менга ёқмайди. (*Глафиранинг йўлини тўсади.*) Ўзимники бўлмаса, ҳар қандай яхши нарса ҳам менга ёқавермайди.

Глафира. Йўл беринг менга.

Алексей. Марҳамат қилинг. (*Эснаб қўйиб, соати-га қарайди.*)

Антонина, бир оздан кейин Тятин кирди.

Антонина. Сен оқсочларга ҳам хушомад қиласан дейман.

Шура. Бунга барибир, балиқларга ҳам хушомад қила беради.

Алексей. Оқсоч хотинларнинг кийимларини ечиб кўр, танноз ойнмчалардан ҳеч қолишадиган жойи йўқ.

Антонина. Эшитяпсанми? Бу энди доим шунақа гапларни гапирадиган бўлиптики, эшитган одам бунинг фронтга борган демайди, қовоқхонада яшаган дейди...

Шура. Бу илгари ҳам шунақа ялқов эди-ю, лекин гапга бунчалик чечан эмас эди.

Алексей. Мен ишга ҳам чечанман.

Антонина. Вой бунинг ёлгон айтишини-эй! Бу — кўрқоқ, жуда кўрқоқ! Угай онам йўлдан уриб қўймасин деб шунақа кўрқадики...

Алексей. Мунча тўқийсан! Эси паст!

Антонина. Ундан кейин, ўлгудек очкўз! Биласанми, оғзини пештаҳам қилмаган кун учун мен унга бир сўм-у йигирма тийин бераман. У олади.

Алексей. Тятин! Антонина сизга ёқадими?

Тятин. Ҳа, жуда.

Шура. Мен-чи?

Тятин. Гапнинг ростини айтсам...

Шура. Ҳа, албатта, ростини!

Тятин. Сиз унча ёқмайсиз.

Шура. Шундайми? Ростми?

Тятин. Ҳа.

Антонина. Ишонма! У жўрттага шундай деяпти.

Алексей. Сиз, Тятин, Антонинага уйлансангиз бўлар эди. У менинг жонимга тегди... Кет!

Антонина. Унинг учқур! Кет! Иккиқат бўлган кирчи хотинга ўхшайсан-а.

Алексей (*унинг белидан қучоқлаб*). Оҳ, бегойим-эй! Димоғингизни бунчалар кўтармасангиз ҳам бўлади, ойимча.

Антонина. Қўйвор дейман!

Алексей. Жоним билан! (*У билан йўлга тушади.*)

Шура. Балки мен сизга сира ёқмасман, Тятин?

Тятин. Нега бун билмоқчисиз?

Шура. Керак. Қизиқаман.

Алексей. Сен нега бўшашасан? Ўзи сенга тегаман деб турибди-ку. Энди ҳамма қизлар ҳам уруш қаҳрамонларига тегиб тул қолишни орзу қилишади. Нега десангиз — паёғи, шухрати, нафақаси бор.

Антонина. У ўзи шу гапи билан қойил қилдим деб ўйларди!

Алексей. Кетдим энди ўз йўлимга. Тонька, эшик олдиғача узатиб қўй мени.

Антонина. Зарур кептими!

Алексей. Гапим бор сенга. Рост айтаман, юр!

Антонина. Бўлса-бўлмаса бирор бемаъни гапдир-да.

Шура. Тятин, сиз — ҳаққоний одаммисиз?

Тятин. Йўқ.

Шура. Нега?

Тятин. Фойдаси йўқ.

Шура. Агар сиз шундай десангиз, демак ҳаққоний

одам экансиз. Хўш, энди дарҳол жавобини берингчи: менга уйланинг деб сизга маслаҳат берувчилар ҳам бўлдимми?

Тятин (*папиросини чекиб, бир оз ўйланиброқ*).
Бўлди.

Шура. Бу маслаҳатнинг ярамаслигини ўзингиз биласизми?

Тятин. Биладан.

Шура. Мен сиздан буни... кутмаган эдим. Мен ўйлаган эдимки, сиз...

Тятин. Ёмон одам экан деб ўйлаган бўлсангиз керак.

Шура. Йўқ, сиз... жуда яхши экансиз! Балки, сиз муғомбирдирсиз, шундайми? Менинг бошимни айлантариш учун ўзингизни ҳаққоний одам қилиб кўрсатаётгандирсиз?

Тятин. Бу нарса менинг қўлимдан келмайди. Сиз — эслик, баджаҳл, шўх қизсиз, худди отангизга ўхшайсиз; гапнинг рост, сиздан қўрқаман ҳам. Егор Васильевичга ўхшаш сариқсиз. Ўт ўчирувчиларнинг машъалига ўхшайсиз.

Шура. Тятин, сиз ажойиб одам экансиз! Ё бўлмаса ўлгудек муғомбирсиз...

Тятин. Юзингиз ҳам алланечук...

Шура. Юзим тўғрисидаги бу гап, зарбани юмшатиш учун бўлса керак. Йўқ, сиз — айёр одамсиз!

Тятин. Хоҳлаганингизни ўйланг. Менингча, сиз, албатта бирор жиноят қилиб қўясиз! Мен бўлсам, бир хил айбдор кучукларга ўхшаб, оёғимни юқори кўтариб ётишга ўрганиб қолганман, билсангиз...

Шура. Қандай айбдор кучук?

Тятин. Билмайман. Айби шуки, у — кучук бола, тиши йўқ, бировни тишлолмайди.

Антонина (*кириб келади*). Анови аҳмоқ Алёшка кулоғимни шундай ёмон бурадики. Қисавурга ўхшаб бор пулимни ҳам шилиб олди! Бу — бола ичкиликка берилиб расво бўлади, турган гап! У билан биз ҳеч нарсага ярамайдиган савдогар болаларимиз. Сенга кулгили-да!

Шура. Тоня, уни ёмонлаб сенга нима деган бўлсам, ҳаммасини унут.

Антонина. Тятин тўғрисидами? Нималар деб эдинг? Менинг эсимда ҳам йўқ.

Шура. Унинг менга уйланмоқчи бўлиб юрганини айтувдим-ку.

Антонина. Бунинг нимаси ёмон?

Шура. Пул учун.

Антонина. Ҳа, шунақами! Бу лекин ҳайвонликдан бошқа нарса эмас, Тятин!

Шура. Аттанг. мен берган саволларга унинг қандай жавоб берганини сен эшитмадинг.

Антонина. Варумга ўхшаб жавоб бергандир-да. Шубертнинг «Варум»и эсингда борми?

Тятин. Ростдан Шубертникими?

Антонина. Варум, марабу деган қушга жуда ўхшайди, у жуда хунук қуш ўзи. Африкада яшайди.

Шура. Нималар деяпсан ўзинг?

Антонина. Мен ҳаммадан ҳам ваҳималик нарсаларни яхши кўраман. Ваҳималик бўлдим, зерикмайсан киши. Қоронғида каттакон илоннинг вишиллаб кириб келишини кутиб ўтиришни севар эдим.

Тятин (*кулиб*). Беҳиштга кирган илонними?

Антонина. Йўқ, ундан кўрқинчлироғини.

Шура. Сен жуда антиқасан. Ҳамма вақт янги-янги нарсаларни топиб гапирасан. Бошқалар бўлса ҳадеб бир нарсани қайтараверишади: уруш — Распутин, подшонинг хотини — немислар, уруш — революция. . .

Антонина. Сен, ё актриса бўласан, ё рўпоч хотин.

Шура. Рўпоч хотин? Бу нима деган нарса!

Антонина. Рўпоч бўлиш жуда қийин, доим ролни ўйнашга тўғри келади.

Шура. Мен, Зоянинг напаси сингари сатанг бўлишни истамайман.

Тятин. Ҳали сиздан чиқадиган гап шуми? Бўлган экан!

Шура. Мен йўлдан урсам, бузсам, ўч олсам дейман.

Тятин. Кимдан? Нима учун?

Шура. Сарик туғилганим учун, отам касал бўлгани учун. . . Ҳаммаси учун! Революция бошлансин, ўшанда авж қиламан! Кўрасан!

Антонина. Революция бўлишига ишонасанми?

Шура. Ҳа! Ҳа!

Тятин. Революция бўлади.

Глафира. Шура, Мелания холам келди. Егор Васильевич уни шу ерда қабул қилмоқчи.

Шура. Вой, холам келибди! Кетдик, болалар, ме-

нинг уйимга! Тятин, сиз акангизни жуда яхши кўрасизми?

Тятин. У менга ўгай ака бўлади.

Шура. Бу — жавоб эмас.

Тятин. Умуман ҳамма қариндош-уруғлар ҳам бир-бирини унча яхши кўрмасалар керак.

Шура. Мана бу — жавоб!

Антонина. Бас, одам зерикадиган гапларни қўйсангларчи.

Шура. Сиз жуда галати одамсиз, Тятин!

Тятин. Қандоқ қилай?

Шура. Кийим кийишларингиз ҳам галати.

Чқишади Глафира парда кетида кўринмай турган эшикни очади. Ешлар чиққан эшикда Буличов кўринади. Роҳиблар бошлиғи Мелания қўлида ҳасса аста-секин ва сиполик билан кириб келади. Глафира бошини эгиб пардани ушлаган ҳолда туради.

Мелания. Сен, валатизино, ҳали ҳам шу ерда судралиб юрибсанми? Сени ҳайдаб юборишмадимми? Хайр, яқинда ҳайдашар.

Буличов. Унда сен буни рўпочликка олгин, пули ҳам бор бунинг.

Мелания. Ҳа, сен шу ердამисан? Вой Егор, сенинг одамлик тусинг қолмапти! Ё парвардигоро!

Буличов. Глаха, эшикни ёп, ундан кейин бу ерга ҳеч кимни киргизма. Утир... Эшон ойи! Қандай ишлар хусусида гаплашамиз?

Мелания. Докторларинг фойда бермадимми? Ҳа, кўрасанми, худованди карим, кун чидайди, ой чидайди, йил чидайди...

Буличов. Худованди карим тўғрисида кейин, кел, аввал иш тўғрисида гаплашайлик. Мен биламан: пулинг тўғрисида гаплашгани келгансан.

Мелания. Пул меники эмас, монастирники.

Буличов. Барибир эмасми: монастирникими, ўғриникими, тўғриникими. Нега пулнинг ташвишини қиласан? Мен ўлсам куйиб кетади деб қўрқасанми?

Мелания. Қуйишга-ку куйиб кетмайдн-я, бировларнинг қўлига тушиб кетмасин деб қўрқаман.

Буличов. Бўлмаса, сен пулни ишлаб турган жойдан қайтариб оламан дейсанми? Менга барибир, олабер. Лекин билиб қўй: ютқизасан! Сўм деган нарса, шу тобда, саллотнинг битидай бири минг бўляпти. Мен бўлсам, унақа ўладиган касал эмасман...

Мелания. Улимнинг вақти-соати бандасига маълум эмас. Васиятингни ёздингми?

Буличов. Йўқ!

Мелания. Вақти келди. Ёзиш керак! Бирдан, ху дованди карим чақириб қолса...

Буличов. Менинг нима керагим бор унга?

Мелания. Астаффирилло де! Биласан-ку бунақа куфри-хатони эшитгани тобим йўқ, ундан кейин менинг мана бу руҳонийлик рутбам ҳам...

Буличов. Э, бас қил мунақа гапларингни, Малаша! Бир-биримизни кўриб ҳам биламиз, синаб ҳам биламиз. Пулингни олишинг мумкин. Буличовда бунақа пул кўп!

Мелания. Дастмоя бўлиб турган пулни тортиб олмоқчи эмасман, аммо вексилларни Аксинья номига ёздириб қўймоқчиман. Мана шунинг учун сени огоҳлантириб қўяй!

Буличов. Шундай дегин. Ҳай, майли, бу — сенинг ишинг! Аммо лекин, мен ўлганимдан кейин Звонцов Аксиньяни туширади. Варвара бу тўғрида унга ёрдам беради...

Мелания. Ҳа, тилинг бошқача айланиб қолдимиз? Янгичасига шекилли? Жаҳл деган нарса сезилмайди.

Буличов. Менинг бошқа нарсага жаҳлим чиқади. Қани, кел энди худо тўғрисида, руҳ тўғрисида гаплашайлик.

Йигитлик, ёшлик чоғида кўп куфру хато бўлди,

Қарилк чоғи келгач керакдир тавбалар қилмоқ...

Мелания. Хўш... бўлмаса гапир!

Буличов. Мана сен, кечаю кундуз худонинг қуллигини қиласан, чунончи масалан... Глафира менинг қуллигимни қилгандай.

Мелания. Куфурга кетма! Эсингни едингми? Глафира кечалари сенга қанақа қуллик қилади?

Буличов. Айтиб берайми?

Мелания. Куфурга кетма, дейман! Эсингни йиғ!

Буличов. Ушқирма! Мен лўнда қилиб гапиряпман: сертакаллуф дуоғўйлар тили билан эмас, одамзод тили билан. Сен, Глафирага яқинда сени ҳайдашади, дединг. Демак, тезда ўлиб кетишимга ишонар экансан-да? Бу нега керак? Ана, Васька Достигаев, мендан тўққиз ёш катта, муттаҳамликда ҳам мени қочиради, аммо ўзи соппа-соғ, ҳали кўп яшайди. Хотини бўлса, уччига чиқ-

қан тамтамлардан! Албатта, мен гуноқор бир бандаман, одамларга азоб берганман, ишқилиб... ҳар тўғрида гуноқорман. Ундай десак, ҳамма бир-бирига озор беради. Бошқа иложи ҳам йўқ, дунё ўзи шу.

Мелания. Сен менинг олдимда, одам болалари олдиди тавба қилмасдан, худонинг олдиди тавба қил! Бандаси кечиролмайди, худо бўлса — шафқатли. Ўзинг биласан: бурун замонларда ўғрилар гуноқни қилиб-қилиб худога бир тавба-тазарру қилишаркан-да, шу билан гуноқларидан покланиб кетишар экан!

Буличов. Ҳа, албатта, ўғирлаб-ўғирлаб ўша ўғирлик пул билан ибодатхонага шам ёқиб қўйсанг, сендан яхши ким бўлсин. тағин.

Мелания. Егор-ор! Емон айнидинг, қулоқ солмайман! Сен — эси йўқ одам эмассан, тушунишинг керак: худонинг изми бўлмаса шайтон йўлдан уролмайди.

Буличов. Ҳа, баракалла!

Мелания. Бу нимага тағин?

Буличов. Тинчитиб қўйдинг. Бундан чиқадики, шайтон одамларни йўлдан ураман деса, худо бемалол йўл қўяр экан-да, демак ҳалиги гуноқ ишларда шайтон билан менга шерик экан-да?

Мелания (*ўрнидан туриб*). Бу гапларинг... сенинг бу гапларинг руҳоний улуғимиз Никандрга етгудай бўлса...

Буличов. Менинг хатом нимада?

Мелания. Худодан юз ўгирибсан! Ўзинг ўйла, айниган мияннга нималар келиб кетмаяпти. Ўзинг тушунасан-ку, шайтоннинг сени йўлдан оздиришига худо изм берган бўлса, демакки, у сендан юз ўгирибди.

Буличов. Юз ўгирибди? Нима учун? Пулни яхши кўрганим учун, хотинларни яхши кўрганим учун, сенинг эси паст синглингга — пулига қизиқиб уйланганим учун, сен билан ўйнашиб юрганим учун — мана шулар учун юз ўгирдимми? Эҳ, сен... ўзинг, бир гўнг қарғамисан, ҳадеб ғағиллайсан, маъни деган нарса йўқ!

Мелания (*эсанкираб*). Сенга нима бало бўлди, Егор? Жинни-минни бўлдингми? Ё оллоҳ...

Буличов. Бутхонада кечаю кундуз ибодат қиласан, кимга ибодат қилганингни ўзинг билмайсан.

Мелания. Егор, жарликка қулаяпсан! Дўзах қаърига... Шундай нозик замонда... Дунё бузилмоқда, подшо тахтини ёвуз кучлар ағдармоқчи... христианликка қар-

ши бош кўтарилган замон. . . эҳтимол, қиёмат-қойим яқиндир. . .

Буличов. Эсингга тушди ҳаммаси! Охир замон. . . Қиёмат-қойим. . . Ҳаммаси! Эҳ, қарға! Аллақандай учиб кетиб тоза ҳам ғағилладинг! Бор энди ўз чилтонхонангга бориб, ўша рўпоч қизларинг, тақводар кампирларинг билан ўпишиб ёт! Пул ўрнига мендан мана буни оласан, ма!*(Бош бармоғини икки панжаси орасидан чиқариб кўрсатади.)*

Мелания *(ҳайрон, креслога худди йиқилгандай ўзини ташлайди)*. Вой, муттаҳам. . .

Буличов. Глафира фоҳишами? Сен ўзингчи? Ўзинг кимсан?

Мелания. Ёлғон. . . ёлғон. . . *(Ўридан ирғиб туради.)* Муттаҳам! Яқинда ўласан! Ҳашорат!

Буличов. Йўқол! Йўқол бу ердан! Бекорга. . .

Мелания. Илон. . . Иблис. . .

Буличов *(ўзи ёлғиз ўшқиради, ўнг биқинини силайди, қичқиради.)* Глафира! Ҳой. . .

Ксения. Нима дейсан! Мелания қани?

Буличов. Учиб кетди.

Ксения. Оббо, яна уришдингизми?

Буличов. Сен қачонгача ўтирасан бу ерда?

Ксения. Бир оғиз гапимга қулоқ сол ахир, Егор! Мен билан сира гаплашмай қўйдинг, жонсиз буюмманми мен! Нега менга бунақа гўлаясан!

Буличов. Бўл, бўл, гапингни гапир!

Ксения. Нима балолар бўляпти бизникида? Ё қиёмат-қойим бўлдими? Куёв бола юқорида, уйда ишратхона очибди шекилли, эртадан кечгача одамлар узилмайди, аллақандай мажлис қилишади, кеча етти шиша қизилдан ичишибди, яна қанча ароқ. . . Қоровул Измаил келиб арз қилди: полиция кела бериб жонига тегибди, ҳадеб бизникига кимлар келганини сўрармиш. Улар бўлса у ерда ҳадеб подшо тўғрисида, министрлар тўғрисида гаплашармиш. Ҳар кун шу айш-ишрат дейди. Нега бошингни хам қиласан?

Буличов. Бўл, бўл, гапира қол! Ёшлигимда мен ҳам шунақа музика билан ишрат қилишни яхши кўрардим.

Ксения. Малаша нега келган экан?

Буличов. Сен, Аксиња, ёлғонни эпллолмайсан! Бунга аҳмоқлик қилиб қоласан.

Ксения. Мен нимани ёлгон айтибман, қаерда?

Буличов. Шу ерда, Мелания сен билан гапни бир жойга қўйиб пул тўғрисида гаплашгани келган.

Ксения. Мен қачон у билан гаплашибман? Шу ҳам гапми?

Буличов. Хўп, бўпти, оғзингни юм...

Достигаев, Звонцов ва Павлинлар қувноқ кириб келишади.

Достигаев. Егор, қулоқ сол! Павлин домла Москвадан ғалати гаплар топиб келибди...

Ксения. Сен ётиб ором олсанг бўларди, Егор!

Буличов. Хўп, қулоғим сизда... тақсир!

Павлин. Гапирадиган яхши гапим жуда оз, ундан кейин, менинг фикримча, бу замоннинг яхши нарсаси ҳам ёмон, наинки, урушдан бурунги ҳаётимиз энди бир хаёл бўлиб қолди.

Достигаев. Йўқ, мен бунга қаршиман! Йў-ўқ!

Звонцов қайнанаси билан пичирлашади.

Ксения. Йиғлаяптими?

Достигаев. Ким йиғлаяпти?

Ксения. Рўпчимиз.

Достигаев. Нима бўлибди унга?

Буличов. Қани чиқиб хабар олинларчи, нимадан қўрқди экан? Қани, домла, ўтиринг, гапни эшитайлик.

Достигаев. Қизиқ, бу Мелания нимага раҳми келиб йиғлар экан?

Павлин. Москвада зўр ғалаён. Ҳатто аҳли расо одамлар ҳам подшо мамлакат идорасини эплай олмайди, уни тушириш керак, дейишади!

Буличов. Йигирма йилдан бери эплаб келган эди.

Павлин. Умрнинг ўтиши билан одамнинг қуввати ҳам кетади.

Буличов. Ун учинчи йилда, Ромоновлар хонадони уч юз йиллик байрамини ўтказган вақтда, Николайнинг ўзи келиб менинг қўлимни сиққан эди. Ҳамма халқ, бутун Кострома хурсанд бўлган эди.

Павлин. Бу — рост. Чинакам, халқ хурсанд бўлган эди.

Буличов. Энди нима бўлибди? Мана, Дума ҳам бор... Йўқ, гап — подшода эмас... гап туб негизда...

Павлин. Уша туб негиз — подшо идораси-да.

Буличов. Ҳамма нарса ўз-ўзига. . . ўз кучига таяниб туради. . . Хўш, қани энди ўша куч? Урушда бўлса, биз уни кўрмадик. . .

Павлин. Дума кучларнинг тўзишига сабаб бўлди.

Елизавета (*эшик олдида туриб*). Тақсир, сиз ваъз ўқияпсизми?

Павлин. Хўш, бу қанақа савол бўлди?

Елизавета. Менинг эрим қани?

Павлин. Шу ерда эди.

Елизавета. Бугун мунча заптига олмасангиз, Павлин тақсир? (*Кўздан йўқ бўлади.*)

Буличов. Тақсир. . .

Павлин. Нима дейсиз?

Буличов. Ҳамма тақсир. Худо — тақсир, подшо — тақсир, сен — тақсир, мен — тақсир. Аммо кучимиз йўқ. Ҳаммамиз ўлим учун яшаймиз. Мен ўзимни айтаётганим йўқ, мен уруш тўғрисида, улгуржи ўлим тўғрисида гапир-япман. Худди циркдаги сингари, қафасдаги йиртқич арслонни одамлар устига қўйиб юборишганга ўхшайди.

Павлин. Сиз, Егор Васильевич, тинчланинг. . .

Буличов. Нимага? Ким мени тинчитади? Нима билан. Хўп, тинчлат мени сен. . . тақсир! Кучингни кўрсат!

Павлин. Китоби муқаддасни ўқинг, чунончи масалан, Исо Навиннинг инжилини ўқиш ҳам чакки бўлмайди. . . Уруш қонунда бор.

Буличов. Гапирма! Қанақа қонун экан у? Бу — афсона. Қуёшни тўхтатиб бўлмайди. Ёлғон айтасиз!

Павлин. Нолиш — катта гуноҳ. Ўзимизнинг гуноҳлар билан тўлиб тошган бу ҳаётимиз учун юборилган илоҳий жазони сабр-қаноат билан, бўйин эгиб қарши олишимиз керак.

Буличов. Оқсоқол Алексей Губин сени хафа қилганда сен ўзинг индамай қўя қолмадинг-ку? Сен уни судга бердинг, Звонцовни адвокат қилдинг, сени бош руҳоний ёқлаб чиқди? Хўш, қани! Мана мен бу дардимни қайси судга арз-дод қиламан? Вақгидан илгари келган ўлим устидан кимга арз қиламан? Сен ўзинг индамасдан ўлиб кетаверасанми? Тақдирга тан бериб-а? Йўқ, бир ўкирасан, бир дод-вой қиласанки. . .

Павлин. Руҳонийлик мансабим менга бунақа сўзларни эшитишга йўл қўймайди. Негаким, бу сўзлар. . .

Буличов. Қўй, Павлин! Сен ҳам одамсан. Бу ридо — сенга бир парда, холос, у бўлмаса, сен менга ўхша-

ган оддий бир одамсан. Доктор бўлса, юрагинг ёмон, ёр босган, дейди. . .

Павлин. Бунақа гаплардан нима фойда? Ўзингиз ўйлангу ваҳм қилинг! Неча минг йиллардан бери қарор топиб қолганки. . .

Буличов. Қарор топипти-ю, лекин мустаҳкамланмабди.

Павлин. Лев Толстой ҳам худодан қайтган одам эди, беимонлиги ваҳждан мардуд бўлаёзган эди; аммо ўлимдан, худди йиртқич ҳайвон сингари ўрмонга қочди.

Ксения. Егор Васильевич, Мокей келибди: Яковни кечаси жандармлар қамоққа олиб кетишди дейди, шунга сўрайдики. . .

Буличов. Хўп, раҳмаг, Павлин тақсир. . . насихатларинг учун! Мен сени яна. . . бир безовта қиларман! Башкинни чақир, Аксинья! Глафирага айт, ширгуручни олиб келсин. Анови дорини ҳам.

Ксения. Сенга ароқ ёқмайди. . .

Буличов. Ҳамма нарса ёқади! Бор! *(Кулимсираб у ёқ-бу ёққа қарайди, ғудрилади.)* Тақсир. . . Павлин. . . Филин. . . Асли сен, Егор папирос чексанг бўларди. Тутун чиқса яхши бўлади, кўп нарсани яширади. Хўш, Мокей, нима гап?

Башкин. Қалайсиз, Егор Васильевич?

Буличов. Тузалиб келяпман. Яковни қамоққа олишдими?

Башкин. Ҳа, бугун кечаси. Ёмон бўлди!

Буличов. Бир ўзиними?

Башкин. Айтишларидан: аллақайси бир соатсозни ҳам, ундан кейин қизингиз Александрани ўқитган Калмикова деган муаллимани ҳам, машҳур исёнкорлардан кочегар Ерихоновни ҳам шекилли. Унтача бор эмиш.

Буличов. Ҳаммаси — ўша «Битсин подшоҳ» деганларданмикин?

Башкин. Улар бу тўғрида. . . ҳар хилга бўлинармиш: баъзилари «Битсин подшоҳ»! деса, баъзилари — «Ҳамма бойлар ҳам йўқ бўлсин, юртни ишчилар ўзи сўрасин» дермиш. . .

Буличов. Беҳуда гап!

Башкин. Албатта.

Буличов. Бутун давлатни ичиб битиришади.

Башкин. Бўлмасачи.

Буличов. Ҳа. . . Бордию ичиб битиришмасачи?

Б а ш к и н. Ахир, улар хўжайинсиз нима қила олишарди?

Б у л и ч о в. Рост. Сен ва Васька Достигаевсиз — яшаб бўлармиди?

Б а ш к и н. Сиз ҳам — хўжайинсиз-ку...

Б у л и ч о в. Бўлмасамчи? Мен ҳам. Нима деб ашула айтармиш?

Б а ш к и н (*хўрсиниб*). Эски дунёдан воз кечиб биз...

Б у л и ч о в. Хўш?

Б а ш к и н. Чангини қўймайин артамыз оёқлардан...

Б у л и ч о в. Сўзлари худди ибодат сўзига ўхшайди.

Б а ш к и н. Ибодатга ўхшаш қаёқда? Подшоҳни, саройни нафратлаймиз дейишар эмиш...

Б у л и ч о в. Шунақа де! У-ҳў... оббо, шайтонлар-э!... (*Уйланиб қолади.*) Хўш, сенга нима керак?

Г л а ф и р а ширгуруч билан ароқ олиб киради.

Б а ш к и н. Менгами? Ҳеч нима.

Б у л и ч о в. Нега келдинг бўлмаса?

Б а ш к и н. Яковнинг ўрнига кимни қўямиз? Шунни сўрамоқчи эдим.

Б у л и ч о в. Сергей Потаповни.

Б а ш к и н. У ҳам шу йўлдаги одамлардан: на худони билади, на подшони...

Б у л и ч о в. У ҳам-а?

Б а ш к и н. Рухсат берсангиз, Мокроусовни қўйсақ. У — бизникига киришга жуда талабгор. Ўзи саводлик, абжир одам.

Г л а ф и р а. Овқат совийди.

Б у л и ч о в. Полициядагини айтяпсанми? Ўғрини? Хўш, у нима дейди.

Б а ш к и н. Ҳозир полицияда хизмат қилиш хавфли, кўплар чиқиб кетишяпти.

Б у л и ч о в. Хўп. Хавфлик дегин? Ах, каламушлар... Яхши, Потаповни айтиб юбор. Эртага эрта билан. Бор... Глаха, карнайчи келдимиз?

Г л а ф и р а. Ҳа, ошхонада ўтирибди.

Б у л и ч о в. Овқатни еб бўлганимдан кейин уни олиб кир. Нима бало: уй жимжит бўлиб қолди?

Г л а ф и р а. Ҳаммаси юқорида.

Б у л и ч о в (*ароқни ичади*). Ҳа, бўпти. Хўш... нега қовоғинг солиқ?

Г л а ф и р а. Ичма, ўзингга ўзинг қилма, касалингни кучайтириб нима қиласан, ахир! Ташла буларни, кет бу ердан. Булар зулук сингари сўриб қўйишади сени. . . Тириклай сўриб ташлашади! Кетайлик. . . Сибирга. . .

Б у л и ч о в. Қўйвор, огриб кетди. . .

Г л а ф и р а. Сибирга кетайлик, мен ишлайман. . . Хўш нима қиласан сен бу ерда, нима керагинг бор? Ҳеч ким сени севмайди, ҳамма ўлишингни кутади.

Б у л и ч о в. Бас қил, Глаха. . . Кўнглимни бузма. Мен ҳаммасини кўриб, билиб турибман! Сенинг менга қанчалик жонкуярлигингни ҳам биламан. . . Сену, Шурка, бор-йўғи икковингни орттирдим, холос. Бошқалар мени бошидан ошириб ташлаган. . . Балки, ҳали тузалиб кетарман. . . Карнайчини чақиргин, қани. . .

Г л а ф и р а. Овқатни есангчи.

Б у л и ч о в. Олиб бор овқатингни, овқатинг курсин! Шуркани чақир. . . *(Ўзи ёлғиз қолгач, қадаҳни бирин-кетин кўтаради.)*

К а р н а й ч и киради, у озгин, аялч ва кўлгили; елкасига қайиш билан осилган халтада карнай.

К а р н а й ч и. Сиз баланд мартабаликка саломатлик тилайман.

Б у л и ч о в *(ҳайрон)*. Бунга қаранг! Утир. Глаха, эшикни бекит. Ҳа-я, карнайчи сен экансан-да. . .

К а р н а й ч и. Шундай.

Б у л и ч о в. Э-э, кўп олифтахчилик қилма! Қани, гапир! Қанақа қилиб даволайсан?

К а р н а й ч и. Менинг даволашим содда, э, баланд мартабалик, лекин одамлар дорихона дориси билан даволанишга ўрганиб қолганларидан менга ишонишмайди, шу учун мен пулни олдидан оламан.

Б у л и ч о в. Лекин бу усулни яхши топибсан? Фақат шуниси бор, тузата оласанми, йўқми?

К а р н а й ч и. Юзларча одамни тузатдим.

Б у л и ч о в. Аммо бой бўлолмабсан-да.

К а р н а й ч и. Ҳалол иш қилиб бой бўлиш мумкин эмас.

Б у л и ч о в. Хоҳ-хо, шунақамисан сен ҳали? Қанақа касалларни даволайсан?

К а р н а й ч и. Ҳамма дардлар одамнинг қорнида ёмон ҳаво тўпланиб қолганидан пайдо бўлади, шу сабабдан мен ҳар қандай касални ҳам даволайман. . .

Буличов (кулиб). Баракалла, азамат! Қани, карнайингни кўрсатчи. . .

Карнайчи. Бир сўм бера оласизми?

Буличов. Бир сўм? Бўлади. Глаха, сенда борми? Ана, ол, арзон экан.

Карнайчи. Бу, ҳали бошланиши. (Халтани очиб кенг оғизли карнайни олади.)

Шура югуриб киради.

Буличов. Катта бир самовар-а. . . Шурок, қалай бу эмчи? Қани, пуфла-чи!

Карнайчи йўталиб олиб, кейин секин чалади, яна йўталади.

Буличов. Шу холосми?

Карнайчи. Ҳар суткада тўрт марта беш минутдан пуфласангиз, бас!

Буличов. Одамнинг нафаси бўғилиб ўлади-қолади дегин?

Карнайчи. Асло! Юзларча одамни тузатганман!

Буличов. Хўп. Қани, энди ростини айтчи: сен ўзингни нима деб ўйлайсан — девонами ё муттаҳам?

Карнайчи (уҳ тортиб). Ана холос: сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ишонмаяпсиз.

Буличов (кулимсираб). Сен карнайингни йиғиштирмай тур, ҳали! Ростини айт: девонамисан ё муттаҳам? Пул бераман.

Шура. Ота, бечорани хафа қилма!

Буличов. Хафа қилаётганим йўқ, Шурок! Отинг нима, табиб?

Карнайчи. Исрофил Увеков. . .

Буличов. Исрофил? (Кулади.) Оббо, худо урди. . . Чинакам Исрофилми?

Карнайчи. Соддагина бир исм. . . Ҳеч куладиган жойи йўқ!

Буличов. Шундоқ қилиб, сен ким бўлдинг энди: тентакми ё ёлғончимиз?

Карнайчи. Ўн олти сўм берасизми?

Буличов. Глаха, олиб кел! Нариги уйда. . . Нега ўн олти сўм дейсан, Исрофил?

Карнайчи. Адашибман! Кўпроқ сўрасам бўларкан.

Буличов. Демак, тентак экансан-да?

Карнайчи. Йўғ-э, мен тентак эмасман. . .

Буличов. Ундай бўлса, муттаҳам экансан-да?

Карнайчи. Муттаҳам ҳам эмасман. . . Узингиз биласиз: алдамасанг кун кўролмайсан киши.

Буличов. Мана бу гапинг рост! Бу, оғайни, яхши гап эмас-ку, лекин ҳақ гап!

Шура. Алдаш айб эмасми?

Карнайчи. Ҳамма ишонгандан кейин, нега айб бўлсин?

Буличов (*руҳланиб*). Бу ҳам рост! Англадингми, Шурка? Бу ҳақ гап! Павлин тақсир бу гапни айтмайди! У айтолмайди!

Карнайчи. Ҳақ гапни айтганим/учун ортиқроқ беришингиз керак. Мана бўйнимдаги санам ҳақи, карнайнинг баъзиларга фойдаси тегади.

Буличов. Тўғри, йигирма беш сўм бунга Глаха. Яна бер. Ҳаммасини бер!

Карнайчи. Мана бу ишингизга. . . кўпдан-кўп қуллуқ. . . Балким, карнайни бир пуфлаб кўрарсиз? Ким билади дейсиз бунинг нималигини. Лекин, азбаройи худо, фойдаси тегади!

Буличов. Йўқ, раҳмат, оббо сен Исрофил, Исрофил-эй! (*Кулади.*) Ҳай, менга қара. . . бир кўрсат қани бунингни. . . Қани, пуфла, қаттиқроқ!

Карнайчи зўр бериб қулоқни батанг қилиб чалади. Глафира Буличовга ташвиш билан қарайди. Шура қулоғини бекитиб кулади.

Буличов. Ҳа, жонинг борича пуфла!

Эр-хотин Достигаевлар, Звонцовлар, Башкин, Ксения югуриб киришади.

Варвара. Нима бўлди, отажон?

Ксения. Егор, бу нима қилганинг тагин?

Звонцов (*карнайчига*). Нима бало! Мастмисан?

Буличов. Тегма унга, тега кўрма! Қулогини қоматга келтириб юбор, Исрофил, буларнинг! Исрофил алай-ҳиссалом бўлади, қиёмат сурина чалапти! Замон охир бўлди! . .

Ксения. Вой ўлай, жинни бўлиб қолибди. . .

Башкин (*Звонцовга*). Кўрдингизми энди?

Шура. Ота, буларнинг гапини эшитяпсанми? Булар сени жинни қилиб ўтиришибди! Чиқиб кетинг, ҳай карнайчи, чиқиб кетинг!

Буличов. Йўқ, кетма! Қулоқларини батанг қил, Исрофил! Қиёмат-қойим! Дунё тамом... Торт карна-йингни!..

Парда

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Столовой Ҳамма бесаранжом. Стол устида йиғиштирилмаган идиш-товоқ, самовар, магазинда турли нарса солиб келтирилган пакетлар, шишалар Бурчақда чамадонлар, уларнинг бирини монастирь хизматкори— Та и с ь я йиғиштирмоқда; у учлик қулоқ кийган. Унинг ёнида — қўлига патнус тутган Г л а ф и р а. Стол устида чироқ ёниб турибди.

Г л а ф и р а. Мелания онамиз кўп турармикин бу ерда?

Т а и с ь я. Мен билмайман.

Г л а ф и р а. Нега ўз қўшхоналарига тушмабди?

Т а и с ь я. Билмайман.

Г л а ф и р а. Ёшинг нечада?

Т а и с ь я. Ун тўққизда.

Зинада Звонцов кўринади.

Г л а ф и р а. Ҳеч нарса билмас экансан! Нима бало, дашти саҳрода ўсганмисан?

Т а и с ь я. Бизни одамлар билан гаплашгани қўйишмайди.

Звонцов. Рўпоч ойим чой ичдиларми?

Г л а ф и р а. Йўқ.

Звонцов. Самоварни олиб чиқиб, яна қўйиб қўй, бўлмаса, балки чой керак бўлиб қолар.

Г л а ф и р а самоварни олиб чиқади.

Звонцов. Нима қилди сизга у ерда: — саллотлар қўрқитишдими?

Т а и с ь я. Ҳа, саллотлар.

Звонцов. Қанақа қилиб қўрқитишди?

Т а и с ь я. Сигиримизни сўйиб ейишди, монастирга ўт қўямиз деб дўқ қилишди. Кечирасиз. *(Бир тўп кирни кўтариб чиқиб кетади.)*

В а р в а р а *(даҳлиздан)*. Вой бу лойгарчилик-эй! Ҳали, сен бу ерда роҳиба билан гаплашиб ўтирибман де?

З в о н ц о в. Рўпоч оймнинг бизникига келиб қолиши яхши эмас, биласанми?

В а р в а р а. Бу уй ҳали бизники бўлганича йўқ...
Хўш. Тятин кўндими?

З в о н ц о в. Тятин ё эшак, ё ўзини номусли қилиб кўрсатмоқчи.

В а р в а р а. Шошма. Отам яна қичқираётганга ўхшайди... *(Эшик олдига бориб нариги уйга қулоқ солади.)*

З в о н ц о в. Докторлар ақли жойида деб айтишса ҳам ҳалиги карнайчи билан бўлган жинниликдан кейин...

В а р в а р а. Э, бундан ғалати жинниликларни ҳам кўп қилган. Александра билан Тятин, иккаласи, бир-бири билан қалинлашганга ўхшайдими? —

З в о н ц о в. Ҳа, лекин, менимча, бундан ҳеч қандай хайрият чиқмайди. Синглинг муғомбир нарса, унда... анча хунук ишларни кутиш мумкин.

В а р в а р а. Афсуски, у сенга қош-кўзини сузиб юрган вақтларда шундай деб ўйламаган эдинг. Ундай десам, у нарсалар сенга жуда хуш ёқади-а.

З в о н ц о в. У менга қош-кўзини сузган бўлса, сенинг гашингни келтириш учун қилган эди.

В а р в а р а. Шунга хафамисан? Ҳай, Павлин судралиб келяпти. Топиб олди тоза!

З в о н ц о в. Руҳоний тоифаси ўзи бир мирига тўртта бўлиб қолди бизда.

Ўзаро гап талашиб Елизавета билан Павлин, сўнгра Мокей киради.

П а в л и н. Газеталар, шунақа, аксари ёлғон ёзишадди! Салом!

Е л и з а в е т а. Мен сизга айтсам, бу бекор гап!

П а в л и н. Жуда ҳам аниқ бўлди: подшо ўз ихтиёри билан тахтдан кетган эмиш. Аксинча, Петроградга кетаётганда йўлда кадет партиясининг аъзолари қўлга тушганда, зўрлик билан шу ишга мажбур қилинган... Шундай!

З в о н ц о в. Бундан нима чиқади энди?

Е л и з а в е т а. Павлин домла революцияга қарши-ю, урушга тарафдор, мен бўлсам, урушга қаршиман! Мен Парижни соғиндим... Бас энди уруш! Сен ҳам қўшила-

санми Варя? Анри-катрининг:— Урушдан Париж яхши,— дегани эсингдами? Биладан: у худди шундай деб айтмаганку-я, лекин, хато қилган.

Павлин. Мен ҳеч бир нарса устида қаттиқ туриб оладиган киши эмасман, негаким, ҳамма нарса қалқиб турибди.

Варвара. Сулҳ керак, домла Павлин, сулҳ! Бу қора халқнинг авзойини кўряпсизми?

Павлин. Кўряпман! Хўш, беморимиз қалай! Бу жиҳатдан аҳвол қандай? *(Қаншарини чимчилайди.)*

Звонцов. Докторлар ундан ҳеч нарса топишмади.

Павлин. Буниси яхши! Бу докторларнинг фақат адашмай топадиган биргина нарсаси бор, у ҳам бўлса ўзлари оладиган ҳақ.

Елизавета. Бирам заҳарсизки! Варя, Жанна бизни кечки овқатга таклиф қиляпти.

Башкин. Қамокдагиларни қўйиб юборишди, полиция бўлса балога қолди.

Павлин. Ҳа, ҳа. . . қизиқ! Хўш, Андрей Петрович, бутун бу ҳодисалардан сиз қандай яхшилик кутяпсиз?

Звонцов. Ижтимоий кучлар қонуний йўл билан ташкил топади ва тез фурсатда ўз сўзини айтади. Ижтимоий кучлар дейишдан мен иқтисодий жиҳатдан маҳкам негизга эга бўлган одамларни тушунаман. . .

Варвара. Менга қара, Жанна бизни таклиф қилди. *(Уни бир четга олиб чиқиб қулоғига шивирлайди.)*

Звонцов. Биласанми, бу нарса мени анча ўнғайсиз ҳолга тушириб қўяди! Бир томондан, рўпоч хотин бўлса, иккинчи томондан, бошқа сатанг. . .

Варвара. Жим, секинроқ гапирсангчи!

Башкин. Андрей Петрович! Мокроусов келибди — приставнинг муовини борку, биласизми?

Звонцов. Ҳа. Нима дейди?

Башкин. У замондан хавф олиб хизматидан бўшамоқчи; бизнинг ўрмонга — дарахт кесишга кирсам дейди.

Звонцов. Қандай бўлар экан?

Варвара. Шошмай тур, Андрей. . .

Башкин. Қандай бўларди, жуда яхши бўлади. Энди Лаптев думини қисиб қолади ва ишдан бўйин товлайди. Донат бўлса, ўзингиз биласиз, қобил одам эмас, бунинг устига ҳақиқат ахтарадиганлардан; қачон қарасанг ҳақ-ҳақиқат деб вайсаб юради. . . Ўзингиз кўриб турибсиз, бу замонда ҳақиқат нима қилсин!

З в о н ц о в. Бўлмаган гап! Биз, бор-йўғи ўша ҳақиқат тантанаси бошланган вақтда яшайпмиз-да...

В а р в а р а. Шошмасангчи, ҳой, Андрей.

З в о н ц о в. Ва адолат ҳукмрон бўладиган бир даврнинг бошланишида турибмиз.

В а р в а р а. Сиз ўзингиз нима дейсиз, Мокей?

Б а ш к и н. Мен Мокроусовни олайлик дейман. Егор Васильевичга айтган эди.

В а р в а р а. У нима деди?

З в о н ц о в қовоғини солиб бир четга чиқади.

Б а ш к и н. Аниқ бир нарса дегани йўқ.

В а р в а р а. Мокроусовни олинг,

Б а ш к и н. Ўзини бир кўрсангизмикан?

В а р в а р а. Нима кераги бор?

Б а ш к и н. Танишмоқ учун. Ўзи шу ерда.

В а р в а р а. Ҳа, майли...

Б а ш к и н даҳлизга чиқиб кетади. **В а р в а р а** дафтарчасига алланималар ёзади. **Б а ш к и н** **М о к р о у с о в** н и бошлаб киради. У — юмалоқ юзли, қошлари таажжуб билан керилган, юзи кулимсираган бир одам; фақат афтидан қаттиқ бир сўкишмоқчи бўлиб тургандай кўринади. Полиция кийимида, ёнида тўппончаси бор, оёқларини жуфтлаштириб аскарчасига таъзим қилади.

М о к р о у с о в. Ҳурматларимни баён қиламан. Сизга хизмат қилиш шарафига эга бўлганим учун бениҳоят миннатдорман.

В а р в а р а. Жуда хурсандман. Сиз ҳатто форма кийиб келибсиз; мен полицияни қуролсизлантиряпти деб эшитувдим.

М о к р о у с о в. Жуда тўғри айтдилар: ўзимизга хос кийим билан кўчага чиқиш хавfli бўлиб қолди, шу учун, мен, гарчи ёнимда яроғим бўлса ҳам, росмана пальто кийиб олдим. Аммо, ҳозир асоссиз баъзи бир умидлар пайдо бўлганлигидан, қора халқ бир озроқ босилиб турибди, шу сабабдан... шопимни тақмадим.

В а р в а р а. Бизнинг хизматимизни қачон бошламоқчисиз?

М о к р о у с о в. Фикр-хаёлим билан мен аллақачондан бери сизнинг камтарин хизматчингизман. Урмонга эртага десалар ҳам жўнашга тайёрман, негаки, мен ўзим ёлғиз одамман ва...

В а р в а р а. Сиз қандай ўйлайсиз, бу тўполон кўпга чўзилармикан?

Мокроусов. Менинг чамамда, бутун ёз ичи чўзилар. Ундан кейин ёмгирлар, совуқлар бошланиб кетиб кўчада санқиб юриш оғирлашиб қолади.

Варвара (*кулимсираб*). Фақат ёздагинами? Қайдам, революция оби ҳавога қарамаса керак.

Мокроусов. Албатта-да! Бўлмасамчи! Қиш — соvутадиған нарса.

Варвара (*кулимсираб*). Сиз оптимист экансиз.

Мокроусов. Полиция умуман, оптимист бўлади.

Варвара. Шунақами?

Мокроусов. Албатта. Бу ўз кучига ишонганидан.

Варвара. Сиз армияда хизматда бўлганмисиз?

Мокроусов. Худди айтганлари. Бузулук резерв батальонида, унивоним подпоручик.

Варвара (*қўл узатиб*). Хўп, сизга муваффақиятлар тилаб қоламан.

Мокроусов (*қўлини йпиб*). Чин кўнгилдан миннатдорман. (*Оёқ депсиниб, орқасига юриб чиқиб кетади.*)

Варвара (*Башкинга*). Бу, аҳмоқ одамга ўхшайди-ку?

Башкин. Зарари йўқ. Эсликларни ҳам кўряпмиз-ку... Уларга эрк бериб қўйсанг, бутун ер юзини ағдар-тўнтар қилиб ташлашади... худди бир чўнтакдай...

Павлин (*Башкин билан Елизаветага*). Руҳоний тоифасига, албатта очиқ амри-маъруф қилиш ҳуқуқини бериш керак, бўлмаса ҳеч нарса чиқмайди!

Глафира билан Шура Буличовни қўлтиқлаб олиб чиқишади. Ҳамма унга тикилиб, жим қолади, унинг қовоғи солиқ.

Буличов. Хўш? Нега жим қолдинглар? Шунча вақт чувиллашдинг, чувиллашдинг-да...

Павлин. Шошиб қолдик... Туппа-тузук одамни бирданига бу хилда...

Буличов. Нима?

Павлин. Қўлтиқлашиб чиққанларига...

Буличов. Қўлтиқлашиб чиққанларига! Одамнинг оёғи жонсиз бўлиб қолгандан кейин қўлтиқлашади-да! Қўлтиқлашиб чиққанларига эмиш. Мокей, Яшуткани бўшатдиларми?

Башкин. Ҳа, ҳамма маҳбусларни бўшатишди.

Звонцов. Сиёсий маҳбусларни.

Буличов. Яков Лаптевни озод қилибдилар-у, под-

шоҳни қамоққа олибдилар-да. Шунақа гаплар, тақсир Павлин! Нима дейсиз бунга, хўш?

Павлин. Бу хусусда омил эмасман. . . лекин, менинг ақли қусиримча, бу одамлар нималар дейди ва нималар қилмоқчи — энг аввал шуни бир билнш керак эди.

Буличов. Бир подшо сайлаш керак. Подшо бўлма-са сизлар ҳаммангиз бир-бирингизнинг гўштингизни еб қўясиз. . .

Павлин. Бугун юзларингизда бир жонланиш кўри-нади, дардни енгаётганга ўхшайсизми?

Буличов. Ҳа, ҳа. . . енгяпман! Сиз, эри-хотинлар, ундан кейин сен ҳам, Мокей, Павлин тақсир билан ик-ковимизни ёлғиз қолдириңлар! Сен, Шуренок, чиқиб кетма.

Башкин даҳлизга чиқиб кетади. Звонцовлар билан Достигаевлар юқорига чиқиб кетишади. Икки минутчадан кейин Варвара юқоридан зинанинг ярмисигача тушиб қулоқ солиб туради.

Шура. Сен ёт.

Буличов. Ётгим келмайди. Хўш, тақсир Павлин, бутхона жоми тўғрисида келдингми?

Павлин. Йўқ, сизни анча енгиллаган бир ҳолда кў-рарман деган умид билан келиб эдим, хато қилмаган эканман. Албатта, иккинчи томондан, сизнинг шаҳримиз ва ибодатхонамиз учун кўрсатган хизматларингиз ва қил-ган хайри-саҳоватларингизни ўйлаб. . .

Буличов. Сен менинг ҳақимга астойдил дуо қил-майсан шекилли, дардим кундан-кун кучайиб кетяпти. Энди худонинг йўлига бир нарса бергим ҳам келмай қол-ди. Нима учун ҳам бераман? Ҳали ҳам озмунча бермадим, ҳеч бир фойдаси йўқ.

Павлин. Сизнинг садақаларингиз. . .

Буличов. Шошма! Бир соволим бор: худо уялмайди-ми? Нега ўлим юборади?

Шура. Улимдан гапирма қўй!

Буличов. Сен жим тур! Сен қулоқ сол. Мен ўз тўғ-римда гапираётганим йўқ.

Павлин. Сиз бундай фикрлар билан ўзингизни бе-ҳуда ташвишга соляпсиз. Руҳ абадий бўлгандан кейин ўлимнинг нима аҳамияти бор?

Буличов. Нега энди ўша руҳ, ифлос, тор жасадга қамаб қўйилган?

Павлин. Дин бундай саволни ортиқча ва беҳуда деб қарайди ва ҳатто...

Варвара зинада оғзини рўмолча билан тўсиб кулади.

Буличов. Сен гапни кўп чўзма! Тўррисини гапириб бер. Шура, карнайчи эсингда борми, а?

Павлин. Александра Егоровнанинг олдида-а...

Буличов. Бу гапингни қўй! У ҳали яшайди, у билиши керак! Мен бўлсам, мана, шунча йил яшадим, энди сендан сўрайман: сен нега яшайсан?

Павлин. Ибодатхонага қуллик қиламан...

Буличов. Биладан, қуллик қилганингни биладан. Бир кун келиб сен ҳам ўласан-да. Бу нима, ахир? Бизга келадиган ўлим қанақа нарса ўзи, Павлин?

Павлин. Ҳадеб сўрайсиз... Бари мантиқсиз ва фойдасиз саволлар! Кечиринг, сиз энди нариги дунёни кўпроқ ўйласангиз бўларди...

Шура. Унақа деманг!

Буличов. Мен бу дунёнинг одамиман! Мен тамом шу дунё кишисиман!

Павлин (*ўрнидан туради*). Бу дунё бир тупроқ, холос...

Буличов. Тупроқ? Ундай бўлса сиз, ҳиммм... Ундай бўлса, сиз ернинг тупроқлигини ўзингиз ҳам ўйлашингиз керак! Тупроқ дейсизу, устингиздаги ридо шоҳидан! Тупроқ дейсизу, кўзингиз тўйишни билмайди...

Павлин. Болиға бир қиз олдида беҳуда ва ярамас гапларни қиляпсиз...

Буличов. Болиға, ёлиға...

Варвара шошиб юқорига чиқиб кетади.

Биз аҳмоқларни, итни куёнга ўргатгандай, ўргатишади... Бир гадо исонинг орқасидан тоза бойидингиз...

Павлин. Дард сизнинг жаҳлингизни кўзғаяпти, сиз, жаҳлингизга чидаёлмасдан, даррандалардек бўкиряпсиз...

Буличов. Кетяпсанми? Ҳаб, баракалла...

Шура. Бекорга ташвиш қиляпсан, бундай қилсанг бадтар бўлади... Мунча... бесаранжом одамсан...

Буличов. Майли! Қуядиган жойим йўқ! Емон кўраман бу попни! Сен диққат қил, кулоқ бер, мен атайлаб сенга кўрсатяпман...

Шура. Ўзим ҳаммасини кўриб турибман... ёш бола эмасман. Эсим бор, биладан.

Буличов. Улар, ҳалиги карнайчи воқисидан кейин, мени жиннига чиқариб қўйишди: докторлар бўлса бекор дейди! Сен докторларга ишонасанми, Шура? Докторларга?

Шура. Мен сенга ишонаман... сенга...

Буличов. Ҳа, баракалла! Йўқ, менинг ақлим жойида! Докторлар билишади. Дарҳақиқат, мен нозик масалани қўзғаб қўйдим. Ахир, ўлим нима деган масалага ҳамма қизиқмайдими, ё бўлмаса ҳаёт нима деган масалагачи? Тушунасанми?

Шура. Сенинг қаттиқ касаллигингга ишонмайман. Сенинг бу уйдан кетишинг керак. Глафира рост айтади! Астойдил даволаниш керак. Сен ҳеч кимнинг гапига кирмайсан.

Буличов. Ҳаммаинг гапига кирман! Энди, мана, кинначи кампирни чақириб кўрамиз. Балки фойдаси тегар. Унинг келадиган вақти бўлди. Бу оғриқ мени еб тутатди... оғир қайғудай!

Шура. Қўй, азизим! Ундай дема, жоним! Етиб ором ол...

Буличов. Етсам бўлмайди. Етсам — дарддан енгилганим бўлади. Муштлашганда паст келгандай гап. Менинг гапиргим келади. Баъзи нарсаларни сенга айтиб беришим керак. Биласанми... нима гап... гап шуки, мен ўз кўчамда эмасман! Мен беғоналар орасида қолиб кетдим, ўттиз йилдан бери ҳамма вақт ёт одамлар орасида яшаб келяпман. Мен сенга буни асло раво кўрмайман! Менинг отам — умри сол оқизиб ўтган одам эди. Мен бўлсам, мана... Буни сенга айтиб ҳам беролмайман.

Шура. Шошмасдан, тинчгина, секингина гапиравер... Бурунлари қандай чўпчаклар айтиб берардинг... Ушанақа қилиб гапир.

Буличов. Мен сенга чўпчак эмас, ҳамма вақт ҳақиқатни айтганман. Биласанми... Бу поплар, подшолар, губернаторлар... Нима кераги бор буларнинг менга. Худога ишонмайман. Худо қаерда ўзи. Узинг кўриб турибсан... Яхши одам ҳам йўқ. Яхши одамлар — қалбаки пул сингари... — ноёб! Одамларнинг нималигини кўриб турибсанку! Мана энди улар ҳаммаси бир-бирининг бўғизига ёпишиб, бири бирини ғажжишиб... расво бўладилар! Аммо менинг нима ишим бор улар билан? Егор Буличовга улар-

нинг нима кераги бор? Сенга ҳам... хўш, сен қандай яшайсан булар орасида?

Шура. Сен менинг ташвишимни тортма...

Ксения (*кираркан*). Александра, Тоня акаси билан бирга сени йўқлаб келибди, ундан кейин...

Шура. Утириб туришар.

Ксения. Сен чиққин-а! Отанг билан пича гаплашмоқчи эдим...

Буличов. Меп-чи, мен буни хоҳлайманми?

Шура. Бўлмаса гапни кўп чўзманг...

Ксения. Ўргат-а, ўргат менга! Егор Васильевич, Зобунова келди.

Буличов. Шурок, кейин уларни бу ёққа олиб кир, ёшларни... Ҳай, чақир Зобуновани!

Ксения. Ҳозир. Мен шуни айтмоқчи эдим, бу Александра анови ярамас бола билан, Андрейнинг ўғай укаси билан қалинлашибди. Ўзинг биласан: у бунга тенг эмас. Битта гадойга жой берган эдик, энди елкамизга мишб олди.

Буличов. Сен, Аксиња, гапнинг рости, ёмон тушга ўхшайсан!

Ксения. Майли, хўрлайбер: худодан кўрдим! Сен қизингга: Тятин билан ўйнашишни бас қил, деб қўйсанг бўларди.

Буличов. Яна нима дейсан?

Ксения. Мелания келди.

Буличов. Нега?

Ксения. Бошига бахтсизлик тушибди. Қочқин салотлар монастиргга бостириб киришиб бир сигирни сўйишибди, икки болта, бир курак, бир боғлам канопни ўғирлаб кетишибди: мана шунақа ҳодисалар! Ўрмончимиз Донат бўлса, ёмон одамларни ёнига тўплаб, дарахт кесилаётган ерда, ўшалар билан бирга алланималар қилиб юрган эмиш...

Буличов. Маълум ўзи: менга ёққан одам бошқа ҳеч кимга ёқмайди.

Ксения. У билан ярашиб олсанг яхши бўларди...

Буличов. Мелания биланми? Нега?

Ксения. Нега бўларди. Дардинг оғир...

Буличов. Бўпти, Ярашай... Мен унга: «Қарзимизни ўз зиммамизда қолдиргин» дейман.

Ксения. Юмшоқроқ гапиргин. (*Чиқиб кетади.*)

Буличов (*ғудранади*). «Қарзимизни ўз зиммамизда

қолдир»... «Биз ўзимиз ҳам қолдирган сингар!»... Ҳаммаси ёлгон... А, лаънатилар...

В а р в а р а. Отажон! Ойимнинг Степан Тятин тўғри-сида гапирганини эшитиб қолдим...

Б у л и ч о в. Ҳа... Сенинг эшитмаганинг, билмаганинг йўқ...

В а р в а р а. Тятин — камтар одам, Александра учун унча кўп қалип ҳам сўрмайди, ундан кейин Александранинг ўз тенги.

Б у л и ч о в. Жуда ғамхўрсан, қизим...

В а р в а р а. Мен Тятинни кўп текширдим...

Б у л и ч о в. Сен ўзинг кимнинг ғамини еяпсан? Эҳ, сиз... шайтон болалари!

М е л а н и я ва К с е н и я кирришади. Т а н с ь я эшик олдида тўхтайдн.

Б у л и ч о в. Хўш, Малаша? Ярашадиган бўлдикими?

М е л а н и я. Ана шунақа-да, зўр! Бекордан бекорга, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ... ҳамманинг дилини оғритасан...

Б у л и ч о в. «Ўз қарзимизни ўз зиммамизда қолдир», Малаша!

М е л а н и я. Гап қарзда эмас. Шўхлигингни ташла! Қанақа ишлар бўлипти ўзи? Оллоҳнинг бир сояси бўлган подшони тахтдан туширишди. Бу нима ахир, нима деган гап? Худованди карим ўз бандаларининг бошига қаҳри ғазабни селдай сочиб юборди, ҳамма жинни бўлди, ҳамма ўзига ўзи чоҳ қазияпти. Қора халқ бош кўтарди. Копосовдаги қишлоқ аёллари менинг юзимга: «Биз халқ бўламиз!» деб ўшқирришди. «Бизнинг эрларимиз — саллотлар ҳам халқ!» деб бақирришди. Буни кўрдингми! Ўзинг ўйлаб кўр! Саллот қачондан буён одам қаторига қўшилиб қолибди экан.

К с е н и я. Буларнинг ҳаммасини Яков Лаптев гапириб, ўша маъқуллайди...

М е л а н и я. Губернаторни ишдан тушириб унинг ўрнига Осмоловский деган бир нотариусни ўтқазиб қўйишди.

Б у л и ч о в. У ҳам семиз қоринлардан.

М е л а н и я. Кеча Никандр ҳазрат бундай дедилар: жуда катта ҳодисалар арафасида турибмиз, авом фуқародан ҳукумат тузиб бўладими? То ўша инжил замонларидан бери, халқларни қилич ва бут ушлаган бир қўл идора қилиб келади.

В а р в а р а. Инжил замонларида бутга чўқинишмас эди...

М е л а н и я. Сен, маҳмадона, жим тур. Инжил билан Таврот бир муқова қилинган-ку. Бут демак — қилич демак. Барибир! Қай замонда, нимага топинганларини ҳазрат сендан кўра яхшироқ билади! Сиз, нафс деган бандалар, тахтнинг ағдарилганига хурсандсиз. Бу хурсандлигингиз аччиқ кўз ёшга айланиб кетмаса дейман. Егорушка, сен билан юзма-юз гаплашмоқчи эдим...

Б у л и ч о в. Шундай қилиб, яна бир сўқишарканмиз-да? Майли, гаплашсак — гаплашайлик, лекин, ҳозир эмас! Ҳозир эмчи келади. Бир соғайиб олай дейман, Малаша!

М е л а н и я. Бу Зобунова кампир жуда оти чиққан эмчи. Докторларга қаерда дейсан бунга етиш! Ундан кейин сен Прокопий авлиё билан ҳам гаплашсанг бўларди...

Б у л и ч о в. Болалар Пропотей деб атайдиган авлиёми? Муттаҳам дейдилар-ку уни?

М е л а н и я. Гапирма-э, гапирма-э! Шу ҳам гапми! Сен уни чақиртиргин-а...

Б у л и ч о в. Уни ҳам чақирсак бўлади. Букун, қандайдир, аҳволим бир оз дуруст... Фақат мана бу оёқларим... Қўнглим очилгандай. Негадир, ҳадеб... ҳар нарсадан кулгим келади! Чақир, Аксинья эмчи хотинни.

К с е н и я чиқиб кетади.

М е л а н и я. Э, Егорий, сенда ҳали... тўлиб ётипти!

Б у л и ч о в. Шунини айтаман-да: тўлиб ётибди, тўлиб.

К с е н и я. У, ҳамма чиқиб турсин, дейди...

М е л а н и я. Хўп, майли, чиқайлик...

Ҳамма чиқиб кетади Б у л и ч о в кулиб, биқини ва кўкрагини уқалайди. З о б у н о в а киради. У жиндек, лекин билинадиган қилиб оғзини қийшайтирган ҳолда ўнг томонга қараб дам солади; ўнг қўли кўкрагида: чап кафтини балиқ думи сингари лапанглатиб, силкийди. Тўхтаб, ўнг қўли билан юзини силайди.

Б у л и ч о в. Ҳа, нима бало! Жинларга чўқиняпсанми.

З о б у н о в а (куйлаб). Э, дардлар, оғриқлар, тандаги, жондаги иллатлар, ҳордиқлар! Чиқинглар, кетинглар: худонинг бандаси, бунга раҳм этинглар! Бу кунда, шу дамда, шу топда — ҳайдайман, сизларни бу ерда бир нафас қўймайман! Ассалом, ассалом, айланай, ўргулай, қалайсиз, бормисиз, тинчмисиз, Егорий!..

Буличов. Омонмисан, хола! Ҳа, ажиналарни ҳай-дадингми?

Зобунова. Йўқ, болам, улар билан борди-келди қилиб бўладими?

Буличов. Керак бўлса қиласан-да! Худога поплар сиғинади, сен поп эмассан, ажиналарга сиғинишинг керак.

Зобунова. Вой ўлай, нега бунақа қўрқинч гапларни гапирасан? Мени ажиналар билан борди-келди қилади деб эси паст одамлар гапиришади.

Буличов. Ундай бўлса, хола, сендан ҳеч гап чиқмайди! Поплар мен учун худога кўп ёлворишди. Худо қабул қилмади, менга ҳеч бири ёрдам қилмаяпти!

Зобунова. Сен, яхши болам, ҳазиллашяпсан, бу — менга ишонмаганингдан.

Буличов. Сен агар ажиналардан вакил бўлиб келган бўлсанг, мен ишонардим. Сен ўзинг билсанг керак, эшитгансан, албатта, мен бузуқ одамман, йўлдан озганман; одамларга ёмон муомала қиламан; пулни, дунёни ўлгудек яхши кўраман. . .

Зобунова. Эшитганману, аммо худо йўлида менга жиндек нарсани қизганарсан деб ўйламайман.

Буличов. Мен, хола, жуда ёмон, йўлдан озган кишиман, худонинг мен билан асло иши йўқ, худо Егор Буличовдан юз ўгирган. Шундай бўлгандан кейин, сен ажиналар билан улфат бўлмасанг — бор, ёш қизларнинг ой-куни етмаган болаларини тушир. Сенинг касбинг шу эмасми, а?

Зобунова. Вой шўрим! Сени юзи қора, ўжар одам дейишар эди, рост экан-да!

Буличов. Нима? Нега ёлғон гапирасан? Йўқол!

Зобунова. Ёлғон айтишни билмайман. Сен менга айт: қаеринг оғрийди, қандай оғрийди, қани?

Буличов. Қорним жуда ёмон оғрийди. Мана бу ери.

Зобунова. Менга қара. . . Аммо лекин ҳеч кимга айтакўрма. Зинҳор!

Буличов. Айтмайман. Қўрқма.

Зобунова. Сарик дард бор, қора дард бор. Сарик дардни доктор ҳам тузата олади, аммо қора дардни поп ҳам тузата олмайди, ундан каттаси ҳам. Қора дард, инсу жинсдан бўлади, унинг фақат биргина иложи бор.

Буличов. Ишқилиб, дарров ё у ёқлик ё бу ёқлик бўладими? А?

Зобунова. Иложи бор, лекин жуда қиймат!
Буличов. Албатта! Тушунаман.
Зобунова. Бунда, албатта, инсу жинс билан тўқ-
нашмаса бўлмайди.
Буличов. Шайтоннинг худди ўзи билан-а?
Зобунова. Ўзи билан бўлмаса ҳам, ишқилиб...
Буличов. Қўлингдан келадими?
Зобунова. Аммо лекин ҳеч кимга оғиз очмайсан.
Буличов. Йўқол кўзимдан, кампир!
Зобунова. Шошма.
Буличов. Йўқол дейман, бўлмаса таёқ ейсан...
Зобунова. Менга қулоқ сол...
Глафира (даҳлиздан). Сенга айтяпти, йўқол!
Зобунова. Нима бало бўлди сизларга...
Буличов. Ҳайда, буни ҳайда дейман!
Глафира. Буниси ҳам бор экан! Ажинага ўхшайди!
Зобунова. Сен ўзинг ажинасан! Афтинг қурсин,
илоҳим... Одам бўлмай ўлинглар... Илоҳим роҳат юзи-
ни, бахт юзини кўрманглар!

Чиқиб кетади.

Буличов (қайрилиб қарайди, оғир нафас олади).
Ф-фу...

Мелания билан Ксения киришади.

Мелания. Ҳа, Зобунова ёқмадими, маъқул бўлма-
дими?

Буличов унга тикилади, жим.

Ксения. Зобунова ҳам қўрс нарса. Мақталдим деб
ёмон гердайиб кетибди.

Буличов. Хўш, Малаша, нима дейсан: худонинг
қорни оғирмикин?

Мелания. Айнима...

Буличов. Исоники оғриган бўлса керак. Унинг ов-
қати балиқ эди...

Мелания. Бас қил, Егор. Нега менинг ғашимга те-
гасан?

Глафира. Кампир қилган хизматига пул сўраяпти.

Буличов. Бер, Аксинья! Малаша, сен мени кечир!
Мен чарчадим. Ўз уйимга кираман. Аҳмоқлар билан иш
кўрганда одам ёмон чарчайди лекин. Қани, Глаха, ёрдам-
лашиб юборчи...

Г л а ф и р а уни олиб чиқиб кетади. К с е н и я қайтиб келиб она-
сига савол назари билан қараб туради.

М е л а н и я. Ўзини жўрттага жинниликка солади!
Жўрттага...

К с е н и я. Йўғ-э! Унақа қилгудай ҳоли борми...

М е л а н и я. Униси ҳеч гап эмас! Майли, ўйнай бер-
син. Агар васиятнома масаласи судга тушадиган бўлса, бу
ўйинлари ўз зарарига ишлайди. Таисья ўтади гувоҳликка;
Зобунова, Павлин, домла, ҳалиги карнайчи, ўх-ҳў, гу-
воҳ оз дейсанми? Васият қилувчининг ақли жойида бўл-
маганини исбот қилиб юборамиз.

К с е н и я. Вой, бу қандай бўларкин, ҳайронман...

М е л а н и я. Шунинг учун сенга ўргатяпманда! Ҳа-аҳ
сен... лип этиб тега қолдинг! Мен сенга айтиб эдим. Баш-
кинга теккин деб.

К с е н и я. А-а... Бу қачонлар бўлган эди! Бунинг ўзи
ҳам бургутдай эди-да ўшанда, ўзинг ҳам ғайирлик қилиб
ўлгансан...

М е л а н и я. Мен-а? Нима бало? Жинни бўлдингми?

К с е н и я. Энди эслашнинг ҳожати ҳам йўқ.

М е л а н и я. Ё олло! Ғайирлик қилган эмишман!
Мен-а?

К с е н и я. Прокофийни нима қиламиз? Унинг кераги
йўқдир энди?

М е л а н и я. Нега кераги бўлмасин? Чақирдик, гапни
бир жойга қўйдик, энди керак эмас эмиш! Сен менга ха-
лақит берма! Бор, уни тайёрлаб олиб кел, Таисья!

Т а и с ь я даҳлиздан чиқиб келади.

Ҳа, нима бўлди?

Т а и с ь я. Ҳеч нарса билолмадим.

К с е н и я чиқади.

М е л а н и я. Нега?

Т а и с ь я. Ҳеч нарса айтгиси келмайди.

М е л а н и я. Нега ҳеч нарса айтмас эмиш? Тузукроқ
сўрашинг керак эди.

Т а и с ь я. Тузукроқ сўрадим, у бўлса мушукдай хи-
риллайди, холос. Олдига кирганини сўқади.

М е л а н и я. Нима деб сўқади?

Т а и с ь я. Муттаҳамлар деб.

М е л а н и я. Нега энди?

Т а и с ь я. Одамни жинни қилмоқчисмалар дейди...

Мелания. Сенга шундай дедими?

Тайся. Йўқ, Пропотей авлиёга.

Мелания. Кейин, у нима деди?

Тайся. У бўлса зўр бериб дуо ўқийди. . .

Мелания. Дуо дейсанми? . . Вой. . . бетамиз қиз-эй!
У авлиё нарса, ғойибдан хабар беряпти, жинни? Даҳлиз-
да ўтир, у ердан бир қадам жилма. . . Ошхонада ким бор
эди яна?

Тайся. Мокей. . .

Мелания. Бўпти, бор. . . *(Буличов уйининг эшиги
олдига боради, тақиллатади.)* Егор, авлиё келди.

Пропотейни Ксения билан Башкинлар бошлаб кели-
шади; оёғида чорик, товонига тушкундай узун қоп кўйлак кийган,
кўкрагига жуда кўп мис бутчалар ва бошқа ҳар хил ирим-чиримлар
осиб олган. Важоҳати баҳайбат, чувалган қуюқ соч, узун, ингичка,
сийрак соқоли бор, ҳаракатлари кескин, қалтираб туради.

Пропотей. Бай-бай, ҳамма ёқни тутун босган, ту-
тун! Даминг қайтади. . .

Ксения. Бу ерда, тақсир, ҳеч ким чекмайди.

Пропотей қиш шамолига ўхшатиб увиллайди.

Мелания. Чиққунча сабр қилиб тур. . .

Буличов *(Глафира қўлтиғидан суяб олиб чиқади.)*
Оббо сенай. . . келибсан-да!

Пропотей. Қўрқма. Қалтирама! *(Увиллайди.)*
Дунё бевафо, ҳаммаси бебақо! Гриша деган бор экан, ба-
ландга бўйнини чўзар экан, бошини бориб шипга урмиш,
шайтон уни йўлдан бурмиш.

Буличов. Распутин тўғрисида гапиряпсан шекилли?

Пропотей. Мана энди — подшо йиқитилди, подшо-
лик яксон бўляпти, дунё гуноҳга ботиб, ажал бозори қи-
зиб, ҳамма жойни бадбўй ислар босиб кетган! Қор бўрони
увиллайди, фахшу фужур ғувиллайди! *(Увиллайди. Ҳас-
саси билан Глафирани кўрсатади.)* Шайтон хотин қиёфа-
сига кириб ёнингда турибди, ҳайда уни.

Буличов. Мен сени ҳайдайман! Вайсаш ҳам эви
билан бўлсин. Мелания, бунақа гапларни сен ўргатдинг-
ми бунга?

Мелания. Нималар деяпсан? Жиннига ақл ўргатиб
бўладими?

Буличов. Бўладиганга ўхшайди. . .

Зинадан Шура югуриб тушади, унинг кетидан Антонина,
Тятин келишади. Секин-секин Достигаев ва Звонцовлар

тушади. Пропотей индамасдан ҳассаси билан ҳавога ва ерга нималарнидир чизади, бошини қуйи солиб, ўйлашиб туради

Шура (*отаси олдига югуриб боради*). Бу яна нима-си? Бу яна қандай найрангбозлик?

Мелания. Сен жим тур!

Пропотей (*қийналиб сўзлагандай*). Худодан юз ўгирганлар ухлай олмас, соат чиқ-чиқ юришини сира қўймас!.. Токи улур парвардигор, токи эрур мадодкор... Мен эмасман бадкирдор, шундай, шундай! Қимга келди бу бало! Иблис ўйна таралло, не истасанг муҳайё! Ярим кеча бўлиб қолди... Хўроз қичқирди қу-қу-қу-у, диндан қайтган муртадларнинг ўлгани шу.

Буличов. Жуда бошлаб ўргатибдилар сенга...

Мелания. Халақит берма, Егор, халақит берма!..

Пропотей. Энди нима қиламиз?.. Кишиларга нима деймиз?

Антонина (*афсусланиб*). У қўрқитолмаяпти... йўқ!

Пропотей. Бит-сиркани ўлдирдилар, жанозани ўқидилар. Балки ўйинга тушиш керакдир? Қани бўлмаса ўйнашайлик, сиз билан биз қувнашайлик! (*Аввал секинроқ, борган сари қаттиқ овоз билан қўшиқ айтиб ўйинга тушади*.) Ҳа, азизлар, авлиёлар, анбиёлар, ақли расолар, беақллар. Ё алҳазар, тақир-туқур, жанғир-жунғур, пешонагни деворга ур, деворга ур! Дидладинг, ҳидладинг — нималарни ҳидладинг? Жар-жар, жала-жар! Шайтон бирга ўйнашар! Аёна-юмаёна, у жаҳонга ягона. Закатама даллисидир, бор ҳунари ҳийласидир! Фахш ишдан ва гуноҳдан, қочолмайсан бу даргоҳдан! Мана Егор сен турасан, кулфат учун туғилгансан...

Шура (*қичқиради*). Ҳайданглар бун!

Буличов. Сизларга нима бўлди... лаънатилар...

Мени қўрқитмоқчи бўласизларми?

Звонцов. Бўлди, бу бемаъниликларни тугатиш керак...

Глафира **Пропотей** олдига югуриб келади, у тўхтамай айланади, ҳассасини унга қараб ўқталади.

Пропотей. Хув, ҳа ҳей! Жиз-биз, инс-жинс...

Тягин **Пропотей** қўлидан калтакни тортиб олади.

Мелания. Сенга нима? Қимсан ўзинг?

Шура. Ота, ҳаммасини ҳайдасангчи... Нега тек турасан?

Буличов (*қўлларини силтаб*). Шошма... Шошма...

Пропотей полга ўтириб, увиллайди, чийиллайди.

Мелания. Унга қўл тегизиб бўлмайдил! Унга ваҳий келяпти... Кўнгли хуррамликда!

Достигаев. Хуррамликда, бундай хуррамлик учун, Мелания хола, уриб бошингни ёрадилар.

Звонцов. Қани тур, бир жўнаб қолчи... жадалроқ!
Пропотей. Эй, қаёққа? (*Увиллайди.*)

Ксения йиғлайди.

Елизавета. Усталигини қаранг-а... овози ҳам икки хил!

Буличов. Кетинг... йўқолинг ҳаммангиз! Энди кўриб тўйгандирсиз.

Шура (*авлиёга қараб тепиниб*). Йўқол, бадбашара; Степан, уни ҳайдаб чиқаринг!

Тягин (*Пропотейнинг ёқасидан олиб*). Юр, авлиё... тур!

Тайся. Бугун у жудаям баҳайбат эмас... Бундан ҳам қўрқинчли бўлиш қўлидан келади. Агар вино ичириб қўйсангиз борми...

Мелания. Сен нима деб алжираяпсан? (*Юзига уради.*)

Звонцов. Уялмайсизми?

Мелания. Қимдан? Сендан уяламанми?

Варвара. Қўйсангчи, хола...

Ксения. Эй худойим... бу қандай гаплар.

Шура билан Глафира Буличовни дяванга ётқишишади. Достигаев унинг ҳамма ёғини диққат билан қараб чиқади. Звонцовлар Ксения билан Меланияни олиб чиқиб кетишади.

Достигаев (*хотинига*). Жўнайлик уйга, Лиза, жўнайлик! Буличовни аҳволи ёмон! Жудаям... намоишчилар ҳам келяпти... қўшилганимиз дуруст...

Елизавета. Қанақа қилиб увиллар экан-а? Бунақасини ҳеч кўрмаган эдим...

Буличов (*Шурага*). Буларнинг ҳаммасини рўпоч хотин ўйлаб чиқарган...

Шура. Аҳволинг оғирми?

Буличов. У... тирик одамга... жаноза ўқимоқчи...

Шура. Тўғрисини айт, аҳволинг ёмонми? Докторга одам юборайликми?

Буличов. Қерак эмас. Мана бу найрангбозлардан қўлни ювиб, қўлтиққа урдим. Агар худо бўлса эди, қўлидан бирор нарса келар эди. Эшитдингми? Ҳеч нарса қилмайди!

Шура. Буларнинг ҳаммасини унутиш керак...

Буличов. Унутамиз! Бир қараб қўйчи, нима гап, улар нима қилишяпти... Глафирани хафа қилишмасе тузук эди... Кўчада қандай қўшиқ айтишяпти?

Шура. Сен қўзғалма!

Буличов. Бадбўй ишлар билан буриқсиган подшолик ҳалок бўляпти. Кўзимга ҳеч нарса кўринмайди... *(Столни ушлаб туради, кўзини ишқайди.)* Сенинг подшолигинг... Қандай подшолик? Йиртқичлар! Подшолик эмиш... Эй парвардигор... Йўқ ёмон! Узинг бошимга ўлим келтириб қўйибсану, тагин парвардигориммисан? Нимага ахир? Ҳамма ўладими? Нима учун? Хайр, майли ҳамма ўлсин! Хўш, мен нега ўлайин *(Гандираклар кетади.)* Хўш? Нима бўлди, Егор? *(Хириллаган овоз билан қичқиради.)* Шура... Глаха, чақиринг докторни! Ҳай... ҳеч ким борми, лаънатилар! Егор... Буличов... Егор!..

Шура, Глафира, Тятин, Таисья киришади. Буличов уларнинг қаршисига йиқилади.

Деразанинг нариёғида кўпчиликнинг қўшиқ айтган овози эшитилади. Глафира, Тятин Буличовни суяшади. Шура югуриб бориб деразани очади, ашула овози гуриллаб киради.

Буличов. Нима бу? Яна жаноза... Яна дуойи фотиҳа! Шура! Ким у?

Шура. Бу ёққа кел, кел... қара!

Буличов. Эҳ, Шура...

Парда

1932 йил.